# ИМОМ БАРЗАНЖИЙ “МАВЛИД”ИНИНГ ТАРЖИМАСИ

05:00 / 07.03.2017    15011

**ТАҚРИЗ**

Ҳар бир олим зиммасидаги вазифаси ўларoқ, ўзидан кейин бошқалар ўқиб фойдаланишлари учун имкон қадар китоб ва рисолалар таълиф қилиши лозим. Шофеъий мазҳабининг таниқли олимларидан Имом Тожуддин Субкий (раҳматуллоҳи алайҳ) “Жамъул жавоме”нинг муқаддимасида айтадилар: “Олим ҳаёти давомида ҳар қанча маъруф ва машҳур бўлмасин, талбалари нечоғлик кўп бўлмасин, ўзидан кейин одамлар ўқиб фойдаланадиган китоб тасниф қилмас экан, унинг одамларга илмий нафи кам бўлиб қолаверади...”.

Сиз азизларга тақдим қилинмиш ушбу рисола имом Барзанжий (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг қаламига мансуб, Росулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг  мавлидлари ҳақидаги қасидалар таржимасидир. Ҳар йили Робиъул аввал ойи кириб келиши билан юртимизда жаноби Росулуллоҳнинг мавлидларини нишонлаш анъанаси бошланиб кетади. Мамлактимизнинг деярли ҳамма масжидларида бу байрам кўтаринки руҳ ва хушкайфиятда  ўтказилади.

Бизнинг диёрларда асосан имом Барзанжийнинг мавлид қиссаларини ўқиш одат тусига айланган. Имом домлаларимиз, кўп аҳли илмлар мавлид маросимларида қатнашчиларга мавлид ҳақида оғзаки сўзлаб берсаларда, барибир, Росулуллоҳнинг сийратлари ҳақида ҳарқанча мавъиза, мақола-ю рисолалар бўлса ҳам, халқимиз учун шунча оздир. Зотан, ул зоти шариф ҳақида суҳбатлашиш, сийратлари ҳақида китоб ва рисолалар битишнинг, ўзи алоҳида бир ибодатдир.

Аллоҳнинг инояти билан, ўз даврида Ислом оламига кўплаб қўлланма ва адабиётлар етказиб берган ютимиздан бугунга келиб яна Ислом қуёшлари аста-аста порлай бошлади. Ҳамюртларимиз ичида диний фанларда китоблар ёзадиган, илмий тадқиқотлар қила оладиган салоҳиятли аҳли илмлар етишиб чиқмоқда.

Халқимизга минбарлардан туриб маънавий озуқа, руҳий тарбиялар бериб келаётган малакали имом домлаларимиздан бири Равшанбек домланинг

ушбу рисоласи ҳам, Ўзбекистонимизда ёзилаётган китоблар сонини яна биттага оширди. Домланинг бу рисоласи сийрат илмининг ривожига ўз ҳиссасини қўшади, ўқувчиларнинг билимини ошириб, муносиб манафаати етади, деган умиддамиз.

Домланинг бу илмий ишлари ҳали бошланиши бўлиб, Аллоҳ хоҳласа бундан кейинги фаолиятларида кўплаб мақола ва рисолалар битишига, юртимизда битилмиш диний-маърифий адабиётларнинг кўпайишига ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшади, деган умиддамиз.

Ҳикматуллоҳ Иброҳим.

Б И Р И Н Ч И   А Т Р

## МУАЛЛИФ МУҚАДДИМАСИ

اَبْتَدِئُ اْلإِمْلاَءَ بِاسْمِ الذّاتِ الْعَلِيَّةْ مُسْتَدِرًّا فَيْضَ الْبَرَكَاتِ عَلَي مَا اَنَالَهُ وَ اَوْلاَهُ

*Аввало, Аллоҳ таоло эга қилган ва етказган неъматлари устига яна қўшимча баракотлар мўл-кўллигини ёғдиришини сўраган ҳолда, Олий зотнинг номи ила (Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам сийрати тўғрисида ёзилган) имлони бошлайман.*

و اُثَـنّي بحَمْدٍ مَوَارِدُهُ سَائِغَةٌ هَنِيَّةٌ مُمْتَطِئًا مِنَ الشُّكْرِ الْجَمِيلِ مَطَايَاه

*Иккинчи бора, Аллоҳ таолога чиройли шукр уловларини минганча, мавриди ёқимли, сокин оқувчи тотли сувга ўхшаш ҳамд айтаман.*

واُصَلّي واُسَلِّمُ عَلَي النُّورِ الْمَوْصُوفِ بالتَّقَدُّمِ واْلأَوَّلِيَّةْ الْمُنْتَقِلِ فيْ الغُرَرِ الْكَرِيمَةِ والجِبْاه

(Яратилишда) Муқаддам ва авваллик наътлари билан сифатланган, (ота-боболарининг) мукаррам юзларида ва пешоналарида доим кўчиб юрувчи Нур (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам )га салоту саломлар айтаман.

وَاَسْتَمْنِحُ اللهَ تَعَالَي رِضْوَانًا يَخُصُّ الْعِتْرَةَ الطَّاهِرَةَ النَّبَوِيَّة وَيَعُمُّ الصَّحَابَةَ وَالْأَتْبَاعَ وَمَنْ وَالَاه

Аллоҳ таолодан набавий, пок аҳли байтлари-ю, авлодларига хос бўлган, саҳобаи киром, тобеъин, табаа тобеъин ва уларни (қиёмат кунигача) дўст тутадиганларни қамраб оладиган розилигини сўрайман.

وَاَسْتَجْدِيْهِ هِدَايَةً لِسُّلُوكِ السُّبُلِ الْوَاضِحَةِ الْجَلِيَّة وَحِفْظًا مِنَ الْغَوَايَةِ فِي خِطَطِ الْخَطَإِ وَخُطَاه

Ва яна очиқ ойдин, равшан (тўғри) йўлларда юришга ҳидоят беришини ҳамда гуноҳ (га сабаб бўладиган) йўлларга юриб залолатга (ботишдан) сақлашини сўрайман.

وَاَنْشُرُ مِنْ قِصَّةِ الْمَوْلِدِ النَّبَوِيِّ بُرُودًا حِسَانًا عَبْقَرِيَّة نَاظِمًا مِنَ النَّسَبِ الشَّرِيْفِ عِقْدًا تَحَلَّي الْمَسَامِعُ بِحُلَاه

Зийнатлари билан қулоқларни безайдиган шода сингари насаби шарифни назм қилиб чиройли, гўзал лафзлардан ташкил топган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (мавлид-таваллуд-ларига оид) қиссасини кенг баён қиламан.

وَ اَسْتَعِينُ بِحَوْلِ اللهِ تَعَالَي وَ قُوَّتِهِ الْقَوِيَّة فَاِنَّهُ لَاحَوْلَ وَلَا قُوَّةَ اِلَّا بِاللهِ

(Бу ишда) Аллоҳ таолонинг қудрат ва кучли қувватидан ёрдам сўрайман.Чунки гуноҳдан қайтишга қувват, ибодатларга қодир бўлишга куч Аллоҳ таолонинг тавфиқи билангина бўлур.

عَطِّرِ اللّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва- салламнинг қабри шарифларини хушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Шарҳ: Бу гап дуо ҳисобланиб, эй, Аллоҳим, Раҳматингни нозил қил. Яни: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабри шарифлари- га раҳматингни ёғдир ва уни ҳамиша зиёда қил”[1] -дегани бўлади. Уламолар Пайғамбар алайҳимус солату ва салломлар ҳақида салоту салом, саҳобаларга “розияллоҳу анҳу”, тобеъин, шайхлар, авлиё ва бошқа уламои киромларга “раҳматуллоҳи алайҳ”, деб дуо қилишни мустаҳаб санайдилар.

Назмий бўлаклар “аттириллаҳумма” деб ажратилгани сабабли омма уларни “Аттир” дея номлаб олганлар.

## И К К И Н Ч И  А Т Р

## НАСАБИ ШАРИФ

وَبَعْدُ فَاَقُولُ هُوَ سَيِّدُنَا مُحَمَّدٌ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ابْنُ عَبْدِ اللهِ

(Ҳамду санодан) сўнг, (қуйида зикри келадиган зотнинг муборак насабларини) айтаман. У зот, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, Абдуллоҳнинг ўғиллари.

Шарҳ: Куняси Абул Қусам-яъни: яхшиликларни жамловчи.Лақаби Забиҳуллоҳ , 25 ёшида вафот этган.

---

[1]Таълиқу мавлидин набий

[2]Роддул мухтор1-ж, 58-бет. Муҳаммад- тўхтовсиз мақталадиган маъносини ифода қилади.Араб тилида феъл تفعيل (тафъийл) бобида келганда, кўпинча бир ишни қайта-қайта, кўп марта қилинганлигини ифодалайди. Масалан:قطع (қотоъа) - кесди,قطع (қоттоъа) - қиймалади, حمد (ҳамида) - мақтади, حمد (ҳаммада) - тўхтовсиз мақтади. Шунда حمد

(ҳаммада) феълидан ясалган محمد (Муҳаммад) исми тўхтовсиз мақталадиган, деган маънони англатади.Мақтов Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳар томондан чулғаган: исмлари - Муҳаммад ва Аҳмад, шафоат қиладиган

мақомларининг номи - “Маҳмуд”(мақтовли), қиёмат кунидаги байроқ-ларининг номи -“Ливаул ҳамд” (мақтов байроғи), умматлари - “Ҳаммадун” (ҳамду санони кўп айтувчилар)дир. (“Сиз Пайғамбарни кўрганмисиз?” 1/64). Шифо китобида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмларини адади ҳақида уламолар турли ривоятларни келтирганлар.Ибн ал-Арабий Шарҳи Термизийда исмларини мингтага етказганлар. Имом Суютий бир рисоласида беш юзтага етказган. Қуръони каримда тўрт жойда Муҳаммад (“Оли Имрон”, 144-оят, “Аҳзоб”, 40-оят, “Муҳаммад”, 2-оят, “Фатҳ”, 29-оят ), бир жойда Аҳмад (“Софф”, 6-оят) исми келган.Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмлари маданий сураларда зикр қилинганлиги ўша ерда яшаб вафот қилишларига ишорадай гўё. Кунялари Абул Қосим.

ابْنِ عَبْدِ الْمُطّلِبِ وَاسْمُهُ شَيْبَةُ الْحَمْدْ{حَمُِدَتْ خِصَالُهُ السَّنِيَّةِ}

Абдуллоҳ эса, Абдул Муттолибнинг ўғли. Исми Шайбатул ҳамд. ( У олий хислатлари мақталган киши эди.) Қавс ичидаги қўшимча баъзи бир нусхаларда зиёда бўлиб келган.

Шарҳ: Абдулмуттолиб - Муттолибнинг қули, хизматкори.Отаси вафот этиб етим қолганидан сўнг, Муттолиб исмли амакиси қарамоғида қолди. Шайба одамларнинг гапи ва амакисининг унга кўрсатган меҳр-оқибати натижасида ўзига Абдулмуттолиб лақабини олди. Истеъмолда исми қолиб, лақаби ишлатиладиган бўлиб кетди. Ҳамднинг Шайбага изофаси ташриф учундир. Яхши ниятлар ила келажакда мақтовга сазовор бўлсин деган умидда номланган. Бошида оқ сочи бўлгани учун онаси унга Шайба (Оқ соч) номини берди. Куняси Абул Ҳорис.Аммо арабларнинг туғилган чақалоққа бошида оқ сочи бўлмасада, Шайба исми беришлари улуғ ёшга етсин деган яхши умидда қилинади.

ابْنِ هَاشِمٍ وَاسْمُهُ عَمْرٌو

Ҳошимнинг ўғли. Исми Амр

Шарҳ: Ҳошим- нон тарқатувчи дегани. Узун умр кўрсин дейишиб, Амр

деб номланган.

ابْنِ عَبْدِ مَنافٍ وَاسْمُهُ الْمُغِيْرَةُ {الذّي يَنْتَمِي الْإِرْتِقاءُ لِعُلْيَاهُ}

Абдуманофнинг ўғли. Исми Муғийра. )Олийжаноб бўлганидан баланд мартабалар унда интиҳо топган).

Шарҳ: Муғийра-душманга қарши чиқувчи ёки пухта иш қилувчи дегани.Чиройли бўлганидан қомарул ботҳо - чўлдаги ой лақабини олган.

ابْنِ قُصَيٍّ وَاسْمُهُ مُجَمِّعٌ سُمِّيَ بِقُصَيٍّ لِتَقَاصِيْهِ فِي بلادِ قُضَاعَةَ الْقَصِيَّةِ الَى اَنْ اَعَادَهُ اللهُ تَعَالَي الَي الحَرَمِ الْمُحْتَرَمِ فَحَمَا حِمَاه

Қусойнинг ўғли. Исми Мужаммиъ. Маккадан узоқда (жойлашган) Қузоъа (Яманда жойлашган) шаҳрининг четида Аллоҳ таоло (ҳайвонини овлашни, дарахтини кесиш, синдириш, ўтларини юлиш каби) ман қилинган нарсаларини қилишдан қайтарган, муаззам (улуғ), Ҳарамга қайтаргунича яшагани учун Қусой деб номланган.

Шарҳ:Қусойнинг исми Мужаммиъ бўлган.

ابنِ كِلابٍ وَاسمُهُ حَكِيْمْ

Килобнинг ўғли. Исми Ҳаким

Шарҳ: Итлар билан ов қилишга қизиққани учун Килоб номини олган.

Абу Руқойш ал-Калбий ал-Аъробийга

-“Нега фарзандларингизни Калб - ит,Зиъб - бўри, қулларингизни Марзуқ - ризқли, Рабоҳ - фоида”-деб номлайсизлар?

-Фарзандларимизни душманларимиз учун, қуларимизни ўзимиз учун номлаймиз,- деди. (Яъни: фарзанларимиз душманларимизни енгишда ёрдам беради.)

ابنِ مُرَّةَ

Мурранинг ўғли.

Шарҳ:Қувватли, аччиқ дегани. Душманларига аччиқ заҳардай таъсир қилсин деб шундай номлашган.

ابْنِ كَعْبِ

Каъбнинг ўғли.

Шарҳ: Каъб-улуғ, шарафли. Ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг хабарига қараганда, у Каъба олдида манжаниқ тошлари қулоқлари олдидан ўтишига қарамай, қотиб қолган Каъбадек ҳеч нарсага қарамасдан намоз ўқирди.

ابْنِ لُؤَيِّ

Луайнинг ўғли.

Шарҳ: Луай-буқача. Кучли бўлсин дея номланган.

ابْنِ غَالِبِ

Ғолибнинг ўғли.

Шарҳ: Ғолиб-ғалаба қилувчи.

ابْنِ فِهْرٍ وَاسْمُهُ قُرَيْشٌ وَإِلَيْهِ تُنْسَبُ الْبُطُونُ الْقُرَشِيَّةُ

Фиҳрнинг ўғли.Унинг исми Қурайш бўлган. Унга ички Қурайшликлар нисбат қилинади.

Шарҳ: Фиҳр ва унинг авлоди араб қабилалари ичида кучли,жасоратли бўлганидан “Қурайш”-акула лақабини олишган. Мулла Алий ал-Қорий эса “Шифо”нинг шарҳида Фиҳр тарқоқ қабилани жамлагани учун “Қурайш”- жамловчи номини олган деган.

وَمَا فَوْقَهُ كِنَانِيٌّ كَمَا جَنَحَ إِلَيْهِ الْكَثِيرُ وَارْتَضَاهُ

Фиҳрдан юқоридаги насаб кўпчилик (сийрат уламолари) қабул қилиб, рози бўлганидек Кинонийдир.

ابْنِ مَالِكِ

Моликнинг ўғли.

Шарҳ: Молик-подшоҳ. Арабларнинг подшоҳларидан бўлган.

ابْنِ النَّضْرِ

Назрнинг ўғли.

Шарҳ: Назр - чиройли, гўзал. Ҳуснда беназир бўлгани учун назр деб номланган.

ابْنِ كِنَانَةَ

Кинонанинг ўғли.

Шарҳ: Кинона-камон ўқларини соладиган идиш.Ўз қавмининг айбла -рини беркитиб, ҳимоя қилсин дея шундай номлаганлар.

ابْنِ خُزَيْمَةَ

Хузайманинг ўғли.

Шарҳ: Хузайма-мустаҳкам.Ишига маҳкам,пухта бўлсин деб номлаган- лар.

ابْنِ مُدْرِكَةَ

Мудриканинг ўғли.

Шарҳ: Мудрика-топқир.Исми Омир.Уч ака-ука бўлишган. Бир куни отаси Илёснинг туялари йўқолиб қолади. Топа олмагач, ўғилларига туяларни топиб келишни буюради. Уларни Омир топиб келади. Шундан кейин унга “Мудрика” (топқир) лақаби берилади.

ابْنِ الْيَاسَ وَهُوَ اَوَّلُ مَنْ اَهْدَي الْبُدْنَ اِلَي الرِّحَابِ الْحَرَمِيَّةِ وَسُمِعَ فِي صُلْبِهِ النَّبِيُّ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَ اللهَ تَعَالَي وَلَبَّاه

Илёснинг ўғли. У Ҳарамни Риҳоб деган (бўш жойига) туяларни (ҳайдаб бориб) биринчи бўлиб ҳадя қилган. (Яна) Илёснинг сулбида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг зикр қилганлари,талбия айтганлари эшитилган.

Шарҳ: Илёс-ноумид. Отаси қарилик чоғида кўргани учун шундай номланган

ابْنِ مُضَرَ

Музорнинг ўғли.

Шарҳ: Музор - чиройли, оқ юзли.

ابْنِ نِزَارِ

Низорнинг ўғли.

Шарҳ: Низор-оз. Отаси Музор туғилган вақтида оталари сулбида бир-бирларига ўтиб келаётган нубувват нурини пешонасида зоҳир бўлганини кўргач, жуда хурсанд бўлиб кетди.Элга дастурхон ёзди. Бу гўдакка ҳар қанча сарфланса, оз деди. Натижада Низор номини олди.

ابْنِ مَعَدِّ

Маъадднинг ўғли.

Шарҳ: Маъадд—доим тайёр.

ابْنِ عَدْنَانَ

Аднаннинг ўғли.

Шарҳ: Аднан—туриш.

وَهَذَا سِلْكٌ نَظَّمَتْ فَرَائِدَهُ بَنَانُ السُّنَّةِ السَّنِيَّةِ

Бу (насаби шариф) қимматбаҳо инжу, гавҳарларининг қадри юксак, мунаввар суннат (саҳиҳ ҳадислар) қўллари тизган шодадир.

Шарҳ: Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳи насаби шарифни келтиришда саҳиҳ ҳадисларга суянганларини ўта балоғатли, фасоҳатли сўзлар ила баён қилмоқдалар.

وَرَفْعُهُ إِلَى الخَلِيلِ إِبْرَاهِيمَ عَلَيْهِ السَّلَامُ أَمْسَكَ عَنْهُ الشَّارِعُ وَأَبَاهُ

У (насаби шариф)ни Шореъ (Набий соллоллоҳу алайҳи васаллам) Иброҳим алайҳиссаломга етказишни кариҳ кўрганлар.

وَعَدْنَانُ بِلَا رَيْبٍ عِنْدَ ذَوِي العُلُومِ النَّسَبِيَّةِ إِلَى الذَّبِيحِ إِسْمَاعِيلَ عَلَيْهِ السَّلَامُ
نِسْبَتُهُ وَمُنْتَمَاهُ

Насаб илми билан шуғулланувчи уламолар наздида Аднан насабда Исмоил Забиҳуллоҳгача етиб боради.

فَأَعْظِمْ بِهِ مِنْ عِقْدٍ تَلَأْلَأَتْ كَوَاكِبُهُ الدُّرِّيَّةُ وَكَيْفَ لَا وَالسَّيِّدُ الْأَكْرَمُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاسِطَتُهُ الْمُنْتَقَاه

Бас, дур каби нур сочиб турган юлдузлар сингари (насаби ша- риф) шодаси қанчалар улуғ (мукаррам)!? У (шода) ичида (башариятни танлаб олингани), Саййидимиз, (Расули) Акрам  соллаллоҳу алайҳи васаллам бўла туриб, қандай ҳам улуғ бўлмасин!?

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи  васал- ламнинг қабри шарифларини хушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

У ЧИ Н Ч И  А Т Р

ЯНА НАСАБИ ШАРИФ

نَسَبٌ تَحْسِبُ الْعُلَى بِحُلَاهُ قَلَّدَتْهَا نُجُومَهَا الْجَوْزَاءُ

Бу насаб шундайин улуғ насабдурки, гўё осмон у билан зийнатлангандек, ҳисоблайсиз. Ва яна шундай гумон қиласизки, Жавзо юлдузи у насабни худди маржон таққандек бўйнига тақиб безаниб олган...

حَبَّذَا عِقْدُ سُودُدٍ وَفَخَارٍ أَنْتَ فِيهِ الْيَتِيمَةُ الْعَصْمَاءُ

Қандай улуғ, шарафли насаб шодасики, сиз унинг ичида гўё бебаҳо дур кабисиз.

Шарҳ: Манашу икки байт “Қасидаи бурда” муаллифи Имом ал-Бусийрийнинг “Ҳамзийя” қасидасидан олинган.

وَأَكْرِمْ بِهِ مِنْ نَسَبٍ طَهَّرَهُ اللهُ تَعَالَى مِنْ سِفَاحِ الْجَاهِلِيَّةِ

Бу насаб қандаям мукаррам насаб эканки, Аллоҳ таоло уларни жоҳилият айбларидан авайлаб пок сақлаган?!

أَوْرَدَ الزَّيْنُ الْعِرَاقِيُّ وَارِدَهُ فِي مَوْرِدِهِ الْهَنِيِّ وَرَوَاهُ

Юқорида зикри ўтган тартибдаги насабни Зайниддин ал-Ироқий (раҳматуллоҳи алайҳ) ўзининг “Мавридул ҳаний” номли китобида (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг) муборак насаблари тўғрисидаги саҳиҳ ҳадислар ила келтирган.

حَفِظَ الْإِلَهُ كَرَامَةً لِمُحَمَّدٍ آبَاءَهُ الْأَمْجَادَ صَوْنًا لِاسْمِهِ

Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг каромати юзасидан, қолаверса муборак номларига айб етмасин учун ул зотнинг ота-боболарини ҳифзига олди.

تَرَكُوا السِّفَاحَ فَلَمْ يُصِبْهُمْ عَارُهُ مِنْ آدَمٍ وَإِلَى أَبِيهِ وَأُمِّهِ

Бас, Аллоҳнинг ҳифзи билан улар сифаҳ (зино) га яқин йўламадилар. Шундай қилиб, ҳазрати Одамдан то онаси ва отасига қадар бўлган аждодларига зино ори етмади.

Шарҳ: Манашу байт Ҳофиз Ибн Носириддин Димашқийнинг қасидасидан олинган.

سَرَاةٌ سَرَى نُورُ النُّبُوَّةِ فِي أَسَارِيرِ غُرَرِهِمُ الْبَهِيَّةِ

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аждодлари, ҳаммалари обрў-эътиборли бошлиқ ўтганлар. Ул зотниннг муборак пайғамбарлик нурлари боболарининг пешоналаридаги чизиқларда намоён бўлиб, авлодма-авлод кўчиб юрарди.

وَبَدَرَ بَدْرُهُ فِي جَبِيْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ وَابْنِهِ عَبْدِ الله

(Туғилиш замони тобора яқинлашаркан) Росулуллоҳнинг худди бадр кечасида ойдин кўринадиган ўн тўрт кунлик ойга ўхшаш нурлари боболари Абдул-мутоллиб ҳамда унинг ўғли Абдуллоҳларнинг пешоналарида (жило сочиб) равшан бўлди.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيْمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيْمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг қабри шарифларини хушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Т Ў Р Т И Н Ч И А Т Р

## ТУҒИЛИШ АРАФАСИДАГИ ҲОЛАТЛАР ВА МЎЪЖИЗАЛАР

وَلَمَّا أَرَادَ اللهُ تَعَالَي إِبْرَازَ حَقِيْقَتِهِ الْمُحَمَّدِيَّةِ وَإِظْهَارَهُ جِسْمًا وَرُوْحًا بِصُوْرَتِهِ وَمَعْنَاه نَقَلَهُ إِلَي مَقَرِّهِ مِنْ صَدَفَةِ آمِنَةَ الزُّهْرِيَّةِ

Аллоҳ таоло (охирги Пайғамбари) Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишли Ўз ҳақиқатини рўёбга чиқаришни ва у зотни жисм ва руҳларини сурат (шакл) ва маъно (шамоил, сифатлари)да зоҳир қилишни ирода қилиб, Зуҳрийя қабиласига мансуб Оминани раҳмига нақл қилди.

وَخَصَّهَا الْقَرِيْبُ الْمُجِيْبُ بِأَنْ تَكُوْنَ أُمًّا لِمُصْطَفَاه

Қорийб (ҳар бир бандага қон томиридан ҳам яқин), Мужийб (дуо, илтижоларни ижобат этувчи) Аллоҳ таоло Омина онамизни Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга она бўлишдек (мақомга) хослади.

وَنُودِيَ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ بِحَمْلِهَا لِأَنْوَارِهِ الذَّاتِيَّةْ

Осмонларда ( Омина Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал- ламнинг) зотий нурига ҳомиладор бўлганлиги нидо қилинди.

وَصَبَا كُلُّ صَبٍّ لِهُبُوبِ نَسِيمِ صَبَاهْ

Ёқимли, роҳатбахш (шарқдан эсадиган) сабо шамоли эсиб, ошиқлар хурсанд бўлди. Яъни: охир замон пайғамбарига ҳомиладор бўлганлик хабари ёқимли, роҳатбахш сабо шабодаси мисол ошиқларни ўз таровати ила ҳурсанд қилди

وَكُسِيَتِ الْأَرْضُ بَعْدَ طُولِ جَدْبِهَا مِنَ النَّبَاتِ حُلَلًا سُنْدُسِيَّةْ

Узоқ давом этган қаҳатчиликдан замин ипакдек майин (гўзал) кийимларни кийди. Яъни: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам баракотидан ерлар ям-яшил ўт- ўланларга бурканди.Чунки дунёга башариятнинг саййиди меҳмон бўлиб келаётганди.

وَأَيْنَعَتِ الثِّمَارُ وَأَدْنَى الشَّجَرُ لِلْجَانِي جَنَاهْ

Мевалар (етилиб) ғарқ пишди. Янги мева узиб (тановул қилув- чига) дарахтлар меваларини яқин қилди.

وَنَطَقَتْ بِحَمْلِهِ كُلُّ دَابَّةٍ لِقُرَيْشٍ بِفِصَاحِ الْأَلْسُنِ الْعَرَبِيَّةْ

Қурайш қабиласидаги ҳамма ҳайвонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга омиладор бўлинганлигини араб тилида равон сўзлади.

وَخَرَّتِ الْأَسِرَّةُ وَالْأَصْنَامُ عَلَى الْوُجُوهِ وَالْأَفْوَاهْ

Тахтлар, бут ва санамлар юз тубан ерга қулади.

وَتَبَاشَرَتْ وُحُوْشُ الْمَشَارِقِ وَالْمَغَارِبِ وَدَوَابُّهَا الْبَحْرِيَّةْ

Машриқу мағрибда яшовчи ваҳший ҳайвонлар, сув ҳайвонлари бир-бирларига хурсандчилик изҳор қилдилар.

وَاحْتَسَتِ الْعَوَالِمُ مِنَ السُّرُوْرِ كَأْسَ حُمَيَّاهْ

Бутун олам шодлик (шароби)дан (тўлдирилган) сурур, шодонлик қадаҳини ичди.

وَبُشِّرَتِ الْجِنُّ بِإِظْلَالِ زَمَنِهِ

Жинлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келиш пайти яқинлашаётганлик хабарини беришди.

Шарҳ: Баъзи нусхаларда “бушширот” маълум феъли мозий шаклида келган.

وَانْتُهِكَتِ الْكَهَانَةُ وَرَهِبَتِ الرَّهْبَانِيَّةْ

Коҳинлик барбод қилинди. Роҳиблар (бўлаётган ишлардан) хавф қила бошладилар.

وَلَهِجَ بِخَبَرِهِ كُلُّ حَبْرٍ خَبِيْرٍ وَفِيْ حُلَا حُسْنِهِ تَاهْ

(Воқеаларни) чиройли ҳуснидан (ёқа тишлаб) лолу-хайрон қолишиб, ҳар бир олим, хабардор кишилар (бу оламшумул) хабарни тезда тарқатдилар.

وَأُتِيَتْ أُمُّهُ فِي الْمَنَامِ فَقِيْلَ لَهَا إِنَّكِ قَدْ حَمَلْتِ بِسَيِّدِ الْعَالَمِيْنَ وَخَيْرِ الْبَرِيَّةْ وَسَمِّيْهِ إِذَا وَضَعْتِيْهِ مُحَمَّدًا لِأَنَّهُ سَتُحْمَدُ عُقْبَاهْ

Онаси (Омина)га тушида: “Сиз борлиқнинг энг яхшисига ҳомиладор бўлдингиз.Уни дунёга келтирганингизда Муҳаммад деб номланг, чунки у зот алал оқибат мақталур”, -дейилди.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал- ламнинг қабри шарифларини хушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

БЕШИНЧИ АТР

ҲОМИЛАДОРЛИК ВАҚТИ ВА ТАВАЛЛУДЛАРИ

وَلَمَّا تَمَّ مِنْ حَمْلِهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَهْرَانِ عَلَى مَشْهُوْرِ الْأَقْوَالِ الْمَرْوِيَّةِ تُوُفِّيَ بِالْمَدِيْنَةِ الْمُنَوَّرَةِ أَبُوْهُ عَبْدُ اللهِ وَكَانَ قَدِ اجْتَازَ بِأَخْوَالِهِ بَنِي عَدِيٍّ مِنَ الطَّائِفَةِ النَّجَّارِيَّةِ

Ривоят қилинган машҳур гапларга қараганда, ҳомилага икки ой тўлганда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оталари Абдуллоҳ Нажжор қабиласидаги Бани Адий (уруғидаги) тоғалари ҳузуридан қайтаётиб (йўлда) вафот этди.

وَمَكَثَ فِيهِمْ شَهْرًا سَقِيمًا يُعَانُوْنَ سُقْمَهُ وَشَكْوَاهُ

(Ўлимдан олдин) тоғаларининикида бир ой касал бўлиб ётди. (Қариндошлари) уни касали ва шикоятларидан (хабар олиб) ёрдам бериб турдилар.

وَلَمَّا تَمَّ مِنْ حَمْلِهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الرَّاجِحِ تِسْعَةُ أَشْهُرٍ قَمَرِيَّةٍ وَآنَ لِلزَّمَانِ أَنْ يَنْجَلِيَ عَنْهُ صَدَاهُ

Ҳомилага қамарий ой ҳисобида тўққиз ой тўлганда, замоннинг (туғилиши кутилаётган) зотга ташналиги кетаёзди.

حَضَرَ أُمَّهُ لَيْلَةَ مَوْلِدِهِ آسِيَةُ وَمَرْيَمُ فِي نِسْوَةٍ مِّنَ الْحَضِيْرَةِ الْقُدْسِيَّةِ

(Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг) муборак таваллуд кечасида Омина онамиз (ҳузурига) жаннат аёлларидан (бўлмиш) Осиё ва Марям розияллоҳу анҳумолар ҳозир бўлдилар.

وَأَخَذَهَا الْمَخَاضُ فَوَلَدَتْهُ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نُوْرًا يَتَلَأْلَؤُ سَنَاه

(Омина онамизни) тўлғоқ тутиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиёси (бутун оламни) ёритиб юборган Нурни дунёга келтирдилар.

## МАҲАЛЛИ ҚИЁМ

Баъзи бир кишилар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари тириклик чоғидаёқ саҳобаларни туриб қарши олишларини кариҳ кўрар эдилар, дейишади. Баъзилар эса бу туришни у зотга эҳтиром ва муҳаббат деб тушунтирадилар. Келинг, масалани ҳал этишда ўз фикримизга эмас, ҳадислар ва уламоларнинг бу ҳақида билдирган фикрларига мурожаат қилайлик. Аввало ҳадисларни ўрганайлик.

عَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ أَحَدًا أَشْبَهَ سَمْتًا وَدَلًّا وَهَدْيًا بِرَسُولِ اللَّهِ فِى قِيَامِهَا وَقُعُودِهَا مِنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَتْ: وَكَانَتْ إِذَا دَخَلَتْ عَلَى النَّبِىِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَامَ إِلَيْهَا فَقَبَّلَهَا وَأَجْلَسَهَا فِى مَجْلِسِهِ وَكَانَ النَّبِىُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - إِذَا دَخَلَ عَلَيْهَا قَامَتْ مِنْ مَجْلِسِهَا فَقَبَّلَتْهُ وَأَجْلَسَتْهُ فِى مَجْلِسِهَا..." رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَلَفْظُهُ: عَنْ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا قَالَتْ: مَا رَأَيْتُ أَحَدًا كَانَ أَشْبَهَ سَمْتًا وَهَدْيًا وَدَلًّا بِرَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - مِنْ فَاطِمَةَ كَرَّمَ اللَّهُ وَجْهَهَا كَانَتْ إِذَا دَخَلَتْ عَلَيْهِ قَامَ إِلَيْهَا فَأَخَذَ بِيَدِهَا وَقَبَّلَهَا وَأَجْلَسَهَا فِى مَجْلِسِهِ وَكَانَ إِذَا دَخَلَ عَلَيْهَا قَامَتْ إِلَيْهِ فَأَخَذَتْ بِيَدِهِ فَقَبَّلَتْهُ وَأَجْلَسَتْهُ فِى مَجْلِسِهَا.

Уммул мўъминийн Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

“Юриш-туришида, ҳайъатда, сийратда, кўринишда Фотима бинти Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламчалик Росулуллоҳ- га ўхшаш кишини кўрмадим”.

“У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига қочон кирса ўринларидан туриб, ўпиб ўз жойига ўтказар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига қочон кирсалар ўрнидан туриб, ўпиб, ўз жойига ўтказар эди...”, деди.

Термизий, Насаий ва Абу Довуд ривояти.Унинг лафзи:

Уммул мўъминийн Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Ҳайъатда, сийратда, кўринишда Фотима каррамаллоҳу важҳаҳочалик Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаш кишини кўрмадим. У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига қачон кирса ўринларидан туриб, қўлидан тутиб, ўпиб ўз жойига ўтказар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам унинг олдига қачон кирсалар ўрнидан туриб, қўлидан тутиб, ўпиб, ўз жойига ўтказар эди.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ هِلَالٍ عَنْ أَبِيهِ أَنَّهُ قَالَ : إِنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- كَانَ إِذَا خَرَجَ قُمْنَا لَهُ حَتَّى يَدْخُلَ بَيْتَهُ.رَوَاهُ الْبَزَّارُ وَرِجَالُ الْبَزَّارِ ثِقَاتٌ

Муҳаммад ибн Ҳилолдан у отасидан ривоят қилади:

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб то уйига кириб кетгунларича туриб турар эдик”,деди.

Баззор ривояти.Баззорнинг кишилари сиқа-ишончли кишилар.

عَنْ أَبَى سَعِيدٍ الْخُدْرِىِّ أَنَّ أَهْلَ قُرَيْظَةَ لَمَّا نَزَلُوا عَلَى حُكْمِ سَعْدٍ أَرْسَلَ إِلَيْهِ النَّبِىُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فَجَاءَ عَلَى حِمَارٍ أَقْمَرَ فَقَالَ: النَّبِىُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - "قُومُوا إِلَى سَيِّدِكُمْ" أَوْ " إِلَى خَيْرِكُمْ" فَجَاءَ حَتَّى قَعَدَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ

Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Қурайза аҳллари Саъднинг ҳукмига тушганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга одам юборди. Оқ эшакни миниб келди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Саййидларингизга туринглар” ёки “Яхшиларингизга туринг- лар”, - дедилар.Келиб Росулуллоҳнинг олдига ўтирди.

Абу Довуд ривояти.

Ҳадисда аҳли фазлларнинг иззат-икром қилиш ва келганларида туриб кутиб олишга далилдир бор.Қози Иёз бу наҳий қилинган туриш эмас.Ўтириши довомида қолганларни тик туришларини яхши кўрадиган кишилар учун  туриш макруҳ деганлар.

Ҳадиси шариф Саъд ибн Муоз розияллоҳу анҳу ҳақида айтилган.

عَنْ أَبِى مِجْلَزٍ قَالَ: خَرَجَ مُعَاوِيَةُ عَلَى ابْنِ الزُّبَيْرِ وَابْنِ عَامِرٍ فَقَامَ ابْنُ عَامِرٍ وَجَلَسَ ابْنُ الزُّبَيْرِ فَقَالَ: مُعَاوِيَةُ لِابْنِ عَامِرٍ اجْلِسْ فَإِنِّى سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ- صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَقُولُ "مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَمْثُلَ لَهُ الرِّجَالُ قِيَامًا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ". رَوَاهُ أَبُودَاوُدَ

Абу Мижлаз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Муъовия Ибн Зубайр ва Ибн Омирнинг олдига чиқди. Ибн Омир ўрнидан турди. Ибн Зубайр ўтираверди. Муъовия Ибн Омирга: “Ўтир. Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниг:

“Ким кишиларни унга тик турмоқликларини яхши кўрса дўзахдаги жойига тайёрланаверсин”, деганларини эшитганман”,- деди.”

Абу Довуд ривояти.

عَنْ أَبِي مِجْلَزٍ أَنَّ مُعَاوِيَةَ دَخَلَ بَيْتًا فِيهِ ابْنُ عَامِرٍ وَابْنُ الزُّبَيْرِ فَقَامَ ابْنُ عَامِرٍ وَجَلَسَ ابْنُ الزُّبَيْرِ فَقَالَ لَهُ مُعَاوِيَةُ اجْلِسْ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَمْثُلَ لَهُ الْعِبَادُ قِيَامًا فَلْيَتَبَوَّأْ بَيْتًا فِي النَّارِ رَوَاهُ أَبُودَاوُدَ

Абу Мижлаз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:        “Муъовия бир уйга кирди. У ерда Ибн Зубайр ва Ибн Омирлар бор эди. Ибн Омир ўрнидан турди. Ибн Зубайр ўтираверди. Муъовия Ибн Омирга: Ўтир. Мен Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламниг:Кимни бандаларни унга тик турмоқликлари  хурсанд қилса дўзахдаги уйга тайёрланаверсин”, деганларини эшитганман, деди.”

Абу Довуд ривояти.Юқорида Абу Мижлаз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган икки ҳадис маънода очиқ-ойдин эмас.“Саййидларингизга туринглар” ҳадисига ҳам тескари келмайди.Чунки бу ваъийдлар турилмаса мутакаббирлик қилувчи, ғазаби келиб, кариҳ кўрувчилар ва ўзи ўтириб олиб қолганларни туришларини яхши кўрадиганларга қаратилган.

عَنْ أَبِى أُمَامَةَ قَالَ: خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - مُتَوَكِّئًا عَلَى عَصًا فَقُمْنَا إِلَيْهِ فَقَالَ:"لاَ تَقُومُوا كَمَا تَقُومُ الْأَعَاجِمُ يُعَظِّمُ بَعْضُهَا بَعْضًا".رَوَاهُ أَبُودَاوُدَ وَابْنُ مَاجَه.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бизга Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳассаларига таяниб чиқдилар. Қаршилаб ўрнимиздан турдик. Шунда у зот: “Ажамлар баъзиси баъзисини улуғлаб турганидек турманглар”, дедилар”. Абу довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти.Бу ҳадиси шариф заиф, ҳужжатга ярамайди.Унда Абу Марзуқ ва Абу Ғолиб ҳужжатга ярамайди.Фатҳ”да Ибн Ҳажар Табарийдан накл қилиб: “Санадида изтироб ва танилмаган кишилар бор”, деган.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَمْ يَكُنْ شَخْصٌ أَحَبَّ إِلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَانُوا إِذَا رَأَوْهُ لَمْ يَقُومُوا ، لِمَا يَعْلَمُونَ مِنْ كَرَاهِيَتِهِ لِذَلِكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:“Уларга Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўра маҳбуб шахс йўқ эди. У зотни кўрганларида ўшани кариҳ кўришини билганликлари учун турмас эдилар”. Бухорий “Адаб”да, Термизий, Аҳмадлар ривоят қилганлар. Бу ҳадиси шариф Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта товозели эканлигига ёки арабларнинг одоб мақомида ошиқча такаллуфни карих кўришларига оиддир. Уламоларимиз эса: Шайх Аҳмад ибн Қудома ал-Мақдисий:“Уламолар ота-она, одил имом, фозил кишилар учун туриш мустаҳаб санайдилар. Бу фозил кишилар орасида шиорга айланиб қолган. Бир инсон туришга ҳақли кишиларга турмай, инсонларнинг: “Улар шаънини паст санаб, (одобда) ноқислик қилди”,-деган нисбат беришларидан омон бўлмайди. Натижада анашу адоватга сабаб бўлади”. Аҳли фазллар учун туриш мустаҳаб.У ҳақида ҳадислар ворид бўлган. Наҳий борасида сариҳ, саҳиҳ нарса йўқ. Ота, ҳоким каби аҳли фазллар учун туриш мустаҳаб ҳисобланади.Чунки буларга иҳтиром кўрсатиш шаръан ва

одоб юзасидан матлубдир.

Шайх Важиҳуддин Абулмаъалий “Ҳидоя”нинг шарҳида: “Уламо ва аҳли шарафларни туриш ила икром қилиш мустаҳаб суннат (одат)дир.”,-деган.

Қолюбий: “Бойлик учун эмас, олим, мусолиҳ (ислоҳ қилувчи), дўст ва шарафли кишилар учун туриш суннат ҳисобланади. Баъзилар ҳозирги замонда уни вожиблиги ҳақида баҳс қилганлар.Чунки уни тарк этмоқ сила (раҳм)ни узиш ҳисобланади.

Байҳақий: “Ансорлар Саъд розияллоҳу анҳуга, Толҳа розияллоҳу анҳу Каъб розияллоҳу анҳуга турганларидек яхшилик ва икром маъносидаги туриш жоиз.Туришларига ўзини ҳақли деб эътиқод қилиб, турмасалар ғазаби келиб, маломат тошини отиб, шикоят қиладиган кишига (туриш) лозим эмас”.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ: “Улуғлаш тариқасида туриш макруҳ. Ҳурмат тариқасида туриш макруҳ саналмайди деганлар”.

Қуртубий роҳматуллоҳи алайҳ: “Ўзи ўтириб, бошқалар турмаса ғазаби келадиганларга туриш макруҳ деган”.

Мулла Али Қорий раҳматуллоҳи алайҳ Шифога битган шарҳида Тилимсанийдан нақл қилиб айтади: “Тилимсаний раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Туриш тўрт хил бўлади:

1.Ман қилинган туриш.Ўзи учун турмоқликларини яхши кўрадиган киши учун туриш.

2.Макруҳ туриш. Ўзи учун турмоқликларини ёмон кўрадиган киши учун туриш.

3.Жоиз туриш.Тавозели олим учун туриш.

4.Чиройли саналган туриш.Сафардан келган одам учун туриш.

Хулоса: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик чоғида ҳам вафотидан сўнг ҳам бирдек эҳтиром қилиш вожиб. Жумҳур уламолар аҳли фазл ва олим кишиларга туриш мустаҳаб эканлигига иттифоқ қилганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли фазл ва олимларга муаллим эканлигини эътиборга олсак, туриш жоиз ҳисобланади. Мавлид қилиш бидъати ҳасана бўлганидан кейин ихтилоф чиқармаслик керак. Ихтилоф чиқариб яна қалбларимиз ихтилофли бўлиб

қолмасин!!!

Касаллиги, қарилиги ёки туришни истамаганларни маломат қилиб жанжал чиқармаслик лозим ва лобуд.

Баъзи бир жоҳил кишиларни маҳалли қиём пайтида Росулуллоҳнинг руҳлари ҳозир бўлади деган фикрлари ҳеч қандай илмий асосга эга эмас!

وَمُحَيًّا كَالشَّمْسِ مِنْكَ مُضِيءٌ أَسْفَرَتْ عَنْهُ لَيْلَةٌ غَرَّاءُ

Қуёш каби порлаган юзингиз нақадар гўзал ! Ундан ўша қоронғу кеча ёришиб кетди.

Шарҳ: “Ва муҳаййан” дан то “ҳаққол ҳанаау” деган байтлари машҳур шоир Имом Бусийрий раҳматуллоҳи алайҳнинг “Ҳамзийя” қасидасидан олинган. Буни билиш мушкил эмас. Сабаби Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳнинг қасидасидаги байтлар ҳои ҳавваз ила ниҳояланади.

“Ва муҳаййан” роф билан ўқилади.31- саҳифадаги “Насабун” билан бошланувчи байтлари ичидаги “Ҳаббаза” ни фоили “иқдун”га атф бўлади. Шунда маъно: Нақадар гўзал сизнинг қуёш каби порлаган юзингиз! Ундан ўша кеча кўзларни қамаштирувчи нур барқ урди.

Одатда инсоннинг чиройини намоён қиладиган аъзо юз ҳисобланади. Бу ерда мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ “зикри жуз, иродатул кулл” - бўлакни зикр қилиб, бутунни ирода қилиш қоидасини ишлатмоқда. Шунга биноан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари нақадар гўзал, мукаррам-деганидир.

لَيْلَةُ الْمَوْلِدِ الَّذِي كَانَ لِلدِّيـْنِ سُرُوْرٌ بِيَوْمِهِ وَازْدِهَاءُ

(Яна) ўша таваллуд кечаси дини Исломга ҳурсандчилик, шоду-ҳуррамлик зиёда бўлди.

يَوْمَ نَالَتْ بِوَضْعِهِ ابْنَةُ وَهْبٍ مِنْ فَخَارٍ مَا لَمْ تَنَلْهُ النِّسَاءُ

Ваҳбнинг қизи (Омина) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васал- ламни дунё келтирган куни дунё аёллари етмаган фахр-ифтихорга етди.

وَاَتَتْ قَوْمَهَا بِأَفْضَلَ مِمَّا حَمَلَتْ قَبْلُ مَرْيَمُ الْعَذْرَآءُ

Қавмига олдин покдомон Марям дунёга келтирган (Исо алайҳис- салом, балки олдин ўтган пайғамбар алайҳимуссаломлар)дан кўра афзал зотни дунёга келтирди.

مَوْلِدٌ كَانَ مِنْهُ فِي طَالِعِ الْكُفْرِ وَبَالٌ عَلَيْهِمْ وَوَبَآءُ

Бу туғилиш куни куфр қисматига (битилган) катта ғам ва тузал- мас вабо эди.

وَتَوَالَتْ بُشْرَي الْهَوَاتِفِ اَنْ قَدْ وُلِدَ الْمُصْطَفَي وَحَقَّ الْهَنَآءُ

Хотифдан Мустафо туғилиб, фараҳ қарор топганлиги хушхабари бирин-кетин янграрди.

طَلَعَ الْبَدْرُ عَلَيْنَا - مِنْ ثَنِيَّاتِ الْوَدَاعِ * وَجَبَ الشُّكْرُ عَلَيْنَا - مَا دَعَا لِلَّهِ دَاعِ

أَيُّهَا الْمَبْعُوثُ فِينَا - جِئْتَ بِالْأَمْرِ الْمُطَاعِ * جِئْتَ شَرَّفْتَ الْمَدِينَةَ - مَرْحَبًا يَا خَيْرَ دَاعِ

Бизга “Санийятул вадоъ” водисидан бадр ойи (каби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам) келдилар. Модомики Аллоҳга чақирувчи чақирар экан, бизларга шукр қилиш лозим бў- лади. Эй бизларга (пайғамбар этиб) юборилган зот! Итоат қилина- диган ишни келтирдингиз. Мадинага ҳуш келдингиз, эй, чақирувчи- ларнинг яхшиси!

Баъзи кишилар “Ва муҳаййан” нинг ўрнига “Толаъал бадру”ни ўқий- дилар.

هَذَا وَقَدِ اسْتَحْسَنَ الْقِيَامَ عِنْدَ ذِكْرِ مَوْلِدِهِ الشَّرِيفِ أَئِمَّةٌ ذَوُو رِوَايَةٍ وَرَوِيَّةٍ فَطُوبَي لِمَنْ كَانَ تَعْظِيمُهُ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غَايَةَ مَرَامِهِ وَمَرْمَاهُ

Буни билинг! Чуқур тафаккур ва ривоят соҳиблари бўлган уламолар мавлиди (туғилиши) шарифлари зикр қилинганида, туриб қўйишни чиройли санадилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳурмат-

эҳтироми юксак чўққида бўлган кишига Тубо бўлсин!? (Туриш тўғрисидаги гаплар юқорида ўтди.)

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيْمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал- ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

О Л Т И Н Ч И А Т Р

ТУҒИЛИШ

وَبَرَزَ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاضِعاً يَدَيْهِ عَلَي الْأَرْضِ رَافِعاً رَأْسَهُ إِلَي السَّمَاءِ مُومِياً بِذَالِكَ الرَّفْعِ إِلَي سُودَدِهِ وَعُلَاهُ وَ مُشِيراً إِلَي رِفْعَةِ قَدْرِهِ عَلَي سَائِرِ الْعَلِيَّةِ الْبَرِيَّةِ

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қўлини ерга, бошларини эса чексиз осмонга қаратганча гўё мартабаси олий, борлиқдаги бошқа (кимсалар(дан қадри баланд бўлишига ишора қилгандай (сажда қилган ҳолида) дунёга келдилар.

وَأَنَّهُ الْحَبِيْبُ الَّذِي حَسُنَتْ طِبَاعُهُ وَسَجَايَاه

У зот (ҳамманинг наздида) табиати, хулқ-атвори чиройли, маҳбуб (севикли) эдилар.

وَدَعَتْ أُمُّهُ عَبْدَالْمُطَّلِبِ وَهُوَ يَطُوْفُ بِهَاتِيْكَ الْبَنِيَّة

Онаси Абдулмуттолибга (одам жўнатиб) чақиртирди. Абдулмут -толиб эса Каъбани тавоф қиларди.

فَأَقْبَلَ مُسْرِعاً وَنَظَرَ إِلَيْهِ وَبَلَغَ مِنَ السُّرُورِ مُنَاه

(Хушхабарни эшитгач) шошилиб келдида,набирасига назар сол- ди. Шодликдан боши кўкка етди.

وَأَدْخَلَهُ الْكَعْبَةَ الْغَرَّاءَ وَقَامَ يَدْعُو بِخُلُوصِ النِّيَّةِ

Набирасини Каъбаи Муаззама (ичига)га олиб кириб, хулуси нийятлар ила дуои хайрлар қилди.

وَيَشْكُرُ اللهَ تَعَالَي عَلَي مَا مَنَّ بِهِ عَلَيْهِ وَأَعْطَاه

Яратганга берган неъматларига шукроналар айтди.

وَوُلِدَ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نظِيفاً مَخْتُوناً مَقْطُوعَ السُّرِّ بِيَدِ الْقُدْرَةِ الْإِلَهِيَّة
طَيِّباً دَهِيناً مَكْحُولَةً بِكُحْلِ الْعِنَايَةِ عَيْنَاه

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам пок, хатна қилинган, илоҳий қудрат қўли билан киндиги кесилган ҳолда туғилдилар. Икки кўзлари иноят сурмаси ила сурмаланиб, ёғ суртилган, ҳушбўй ҳолда (дунёга келдилар)

وَقِيلَ خَتَنَهُ جَدُّهُ بَعْدَ سَبْعِ لَيَالٍ سَوِيَّةٍ وَأَوْلَمَ وَأَطْعَمَ وَسَمَّاهُ مُحَمَّداً وَأَكْرَمَ مَثْوَاه

Ривоятларда “бобоси роппа-роса етти кунлик бўлгандан сўнг хатна қилиб, валима (суннат) тўйи қилиб, (элга дастурхон ёзиб) таомлар улашиб, (чақалоққа) Муҳаммад деб исм қўйди ва жойини яхшилаб берди”, -дейилган.

Шарҳ: Еттинчи куни чақалоқ номидан қурбонлик сўйиб, хатна қилиб, катта зиёфат беради. Баъзилар Пайғамбаримизни хатна қилинган холда туғилганлар, деб айтишган. Аммо имом Заҳабий: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етти кунлик бўлганларида боболари Абдулмуттолиб

хатна қилган, Муҳаммад деб исм қўйган ва қурбонлик сўйиб зиёфат берган”, деган ривоят” ҳатна қилинган ҳолда туғилган”, деган ривоятдан кучлироқ”, деган. Шунга биноан, мусанниф раҳматуллоҳи алайҳнинг иккинчи гаплари қувватлидир.

Юқоридаги саҳифада Омина онамиз ҳомиладорлик пайтларида, туғилажак фарзандини “Муҳаммад”,-деб номланиши айтилган Шунингдек, Абдулмутоллиб ҳам тушида ўз сулбидан одатдагидан бошқа улуғ мақомга сазовор бўладиган фарзанд туғилишига ишорат этувчи ҳолатни кўрган экан. Икки тушнинг таъсирида ва келиннинг гапига биноан, Абдулмуттолиб набирасини “Муҳаммад” деб номлаган. Тарихчиларнинг такидлашларича, ўша вақтгача арабларнинг ичида фақат уч кишига Муҳаммад исми қўйилган экан.Бир гуруҳ кишилар бир подшоҳнинг ҳузурида бўлишибди. У аввалги китоблардан хабардор экан.Подшоҳ суҳбат давомида Ҳижоз томондан Муҳаммад номли пайғамбар чиқишининг хабарини айтибди.Меҳмонлар ичидан уч ки- шининг хотинлари ҳомиладор экан. Учовлари ҳам хотиним ўғил туғса, исмини Муҳаммад қўяман, деб ният қилишди.Уларнинг хотинлари ўғил туғибди. Фарзандларини яхши ният билан Муҳаммад деб номлабдилар. Улар қуйидаги кишилар экан: Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Мужошеъ, Муҳаммад ибн Аҳижжа ал-Жаллоҳ ва Муҳаммад ибн Ҳимрон ибн Робиъалар. (“Ҳадис ва ҳаёт” 19-жуз,64-бет;)

عَطِّرِ اللّٰهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللّٰهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал- ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Е Т Т И Н Ч И А Т Р

## ТАВАЛЛУД ПАЙТИДАГИ ҒАРОЙИБОТЛАР

وَظَهَرَ عِنْدَ وِلَادَتِهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَوَارِقُ وَغَرَائِبُ غَيْبِيَّةٌ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд пайт- ларида ғайбий (ғайбга оид) ғаройиб, ғайриоддий (ҳодисалар) бўлди.

إِرْهَاصًا لِنُبُوَّتِهِ وَإِعْلَامًا بِأَنَّهُ مُخْتَارُ اللهِ تَعَالَي وَمُجْتَبَاه

Мақсад нубувватга тайёрлаш, (туғилажак фарзанд) Аллоҳнинг ихтиёр қилиб, танлаб олган (охирги Пайғамбари) эканлигини билдириб, эълон қилиб қўйиш (эди).

فَزِيدَتِ السَّمَاءُ حِفْظًا وَرُدَّ عَنْهَا الْمَرَدَةُ وَذَوُو النُّفُوسِ الشَّيْطَانِيَّة

Осмон муҳофазани оширди.(Кофир) жинлар, шайтоний нафс эгалари осмондан қувиб, ҳайдаб туширилди.

وَرُجِمَتِ النُّجُومُ النَّيِّرَاتِ كُلَّ رَجِيمٍ فِي حَالِ مَرْقَاه

Тушиш пайтида ўтли юлдуз парчалари билан тошбўрон қилинди.

وَتَدَلَّتْ إِلَيْهِ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْأَنْجُمُ الزُّهْرِيَّة

Нурли юлдузларнинг бари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга яқин бўлди.

وَاسْتَنَارَتْ بِنُورِهَا وِهَادُ الْحَرَمِ وَرُبَاه

Нури билан Ҳарами шарифни пасту-баландликларини ёритди.

Шарҳ: Ибн Диҳя юлдузларнинг яқин бўлиши, туғилишни кечасида бўлишини тақозо қилади. Шунинг учун гап заифдир. Заркаший эса буни далил қилиш тўғри эмас. Нубувват замони хориқи одатга лойиқдир. Кундузи ҳам юлдузларнинг тушиши мумкин.

وَخَرَجَ مَعَهُ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ نُورٌ أَضَاءَتْ لَهُ قُصُورُ الشَّامِ الْقَيْصَرِيَّة

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан нур таралиб, (Шомдаги) Қайсар қасрларини ёритди.

فَرَآهَا مَنْ بِطَاحِ مَكَّةَ دَارَهُ وَمَغْنَاه

(Ҳатто) Макканинг пастлик жойларидаги кишилар ҳам ўз уй-жойини кўрдилар.

وَانْصَدَعَ الْإِيوَانُ بِالْمَدَائِنِ الْكِسْرَوِيَّةِ الَّذِي رَفَعَ أَنُوشَرْوَانَ سَمْكَهُ وَسَوَّاه

Анушарвон баланд, мустаҳкам, пишиқ қилиб қурдирган (Ироқдаги) Кисро ҳукмдорлик қилаётган Модоин (шаҳри)даги айвонлар вайрон бўлди.

وَسَقَطَ أَرْبَعٌ وَعَشْرٌ مِنْ شُرُفَاتِهِ الْعُلْوِيَّة

(Ўша кеча қаттиқ зилзила бўлиб) ўн тўртта (баъзи ривоятларда ўн иккита) юқори равоқи қулаб тушди.

وَكُسِرَ سَرِيرُ الْمُلْكِ كِسْرَى لِهَوْلِ مَا أَصَابَهُ وَعَرَاه

Содир бўлаётган нарсалар дахшатидан Кисрони тахти синди- рилди.

وَخَمَدَتِ النِّيرَانُ الْمَعْبُودَةُ بِالْمَمَالِكِ الْفَارِسِيَّةِ لِطُلُوعِ بَدْرِهِ الْمُنِيرِ وَإِشْرَاقِ مُحَيَّاه

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларининг нури мунаввар (тўлин) бадр (ойи каби) толеъсидан (шуласидан) Форс мамлакатидаги ибодат қилинадиган (юз йиллардан бери ўчмай келаётган) ўтлар ўчиб қолди.

وَغَاضَتْ بُحَيْرَةُ سَاوَةَ وَكَانَتْ بَيْنَ هَمَذَانَ وَقُمْ مِنَ الْبِلَادِ الْعَجَمِيَّة

Сава кўлини суви кетиб қолди. У Ҳамазон (Хуросондаги шаҳар) ва Қум (Рой) шаҳарлари орасида жойлашганди.

Шарҳ: Кўл у жойга яқин бўлгани учун Соваҳ кўли деб ном олган.

وَجَفَّتْ إذْ كَفَّ وَاكِفُ مَوْجِهَا الثَّجَّاجِ يَنَابِيعُ هَاتِيكَ الْمِيَاه

Кўл қуриб қолди. Сабаби, ўша сувларнинг булоқлари селли мавжлар томчиларидан тўхтаганди.

وَفَاضَ وَادِي سَمَاوَةَ وَهِيَ مَفَازَةٌ فِي فَلَاةٍ وَبَرِّيَّةٍ لَمْ يَكُنْ بِهَا قَبْلُ مَاءٌ يَنْقَعُ لِلظَّمْآءِ اللُّهَاه

(Шомдаги) Самова водийсидаги (анҳор,кўлларда) сувлар тўлиб тошди. У олдин ташна одамнинг томоғини ҳўллагани (атига) бир томчи сув топилмайдиган қуруқ, қақраб ётган чўл эди.

وَكَانَ مَوْلِدُهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَوْضِعِ الْمَعْرُوفِ بِالْعِرَاصِ الْمَكِّيَّةِ وَالْبَلَدِ الَّذِي لَا يُعْضَدُ شَجَرُهُ وَلَا يُخْتَلَى خَلَاه

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадаги дарахтлари синдирилмайдиган,яшнаб турган ўсимликлари узилмай- диган, (ундай ишлар) ҳаром қилинган машҳур Иросда туғил дилар.

وَاخْتُلِفَ فِي عَامِ وِلَادَتِهِ وَفِي شَهْرِهَا وَفِي يَوْمِهَا عَلَى أَقْوَالٍ لِلْعُلَمَاءِ مَرْوِيَّة

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган йиллари, ойлари ва куни борасида сийрат уламолари томонидан турли сўзлар айтилган.

وَالرَّاجِحُ أَنَّهَا قُبَيْلَ فَجْرِ يَوْمِ الْإِثْنَيْنِ ثَانِيَ عَشَرَ شَهْرِ رَبِيعِ الْأَوَّلِ مِنْ عَامِ الْفِيلِ الَّذِي صَدَّهُ اللهُ تَعَالَى عَنِ الْحَرَمِ وَحَمَاه

Энг ишончли сўз, Аллоҳ таоло Ҳарами шарифни (Абраҳадан) ўз ҳифзу-ҳимоясига олган Фил йили, робиъул аввалнинг ўн иккинчи душанба куни

субҳдан кейин (дейилган).

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## С А К И З И Н Ч И А Т Р

ЭМИЗИЛИШ

وَأَرْضَعَتْهُ أُمُّهُ أَيَّامًا

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни бир неча кун ўз онаси эмизди.

ثُمَّ أَرْضَعَتْهُ ثُوَيْبَةُ الْأَسْلَمِيَّةُ الَّتِي أَعْتَقَهَا أَبُو لَهَبٍ حِينَ وَافَتْهُ عِنْدَ مِيلَادِهِ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ بِبُشْرَاهُ

Сўнг(жиянлик бўлганлик) ҳушхабари етказилганда, (хурсанд бўлганидан) озод қилиб юборган Асламийя қабиласидан Сувайба эмизди.

فَأَرْضَعَتْهُ مَعَ ابْنِهَا مَسْرُوحٍ وَأَبِي سَلَمَةَ وَهِيَ بِهِ حَفِيَّةٌ

Сувайба меҳр-мурувват кўрсатиб, мамнун ҳолда Пайғамба- римиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўғли Масруҳ ҳамда Абу Салама билан бирга эмизди.

وَأَرْضَعَتْ قَبْلَهُ حَمْزَةَ الَّذِي حُمِدَ فِي نُصْرَةِ الدِّينِ سُرَاهُ

Сувайба Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (эмизишдан) олдин дини (Исломга) ёрдам кўрсатишда амаллари мақталган Ҳамза розияллоҳу анҳуни (ҳам) эмизганди.

وَصَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَبْعَثُ إِلَيْهَا مِنَ الْمَدِينَةِ بِصِلَةٍ وَكِسْوَةٍ هِيَ بِهَا حَرِيَّةٌ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Мадинадан ҳадялар, кийим-кечаклар юбориб турар эдилар. Сувайба бу эҳти- ромларига лойиқ эди.

إِلَى أَنْ أَوْرَدَ هَيْكَلَهَا رَائِدُ الْمَنُونِ الضَّرِيحِ وَوَارَاهُ

Бу ҳол ўлим элчиси унинг жуссасини қамраб олиб,қабрга киргизгунча давом этди.

قِيلَ عَلَى دِينِ قَوْمِهَا الْفِئَةِ الْجَاهِلِيَّةِ وَقِيلَ أَسْلَمَتْ أَثْبَتَ الْخِلَافَ ابْنُ مَنْدَهَ وَحَكَاهُ

(Сувайба) жоҳилият жамоаси қавмининг динида ўтганлиги айтилган. (Бошқа ривоятларда эса) мусулмон бўлганлиги айтилган. Ибн Мандаҳ хилофни (батафсил) ҳикоя қилинганлиги собит бўлган.

ثُمَّ أَرْضَعَتْهُ الْفَتَاةُ حَلِيمَةُ السَّعْدِيَّةُ

Сўнгра Саъдийя қабиласидаги навқирон Ҳалима эмизди.

وَكَانَ قَدْ رَدَّ كُلٌّ مِنَ الْقَوْمِ ثَدْيَهَا لِفَقْرِهَا وَأَبَاهُ

Қабилаларнинг ҳаммаси Ҳалимани камбағаллигидан унинг кўкрак (сут)ини рад қилдилар.

فَأَخْصَبَ عَيْشُهَا بَعْدَ الْمَحْلِ قَبْلَ الْعَشِيِّ

Уларнинг уйига ана шу куннинг ўзидаёқ) кеч кирмасдан илгари яшаш (қийинчиликдан халос бўлиб) баракалар кирди.

وَدَرَّ ثَدْيَاهَا بِدَرٍّ دَرَّ لَبَنَهُ الْيَمِينُ مِنْهُمَا وَلَبَنَ الْآخَرُ أَخَاهُ

Ҳалиманинг кўкрагидан (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни эмизганлиги баракасидан) унинг кўкраги дур каби оппоқ сутга тўлиб (оқди), ўнг кўкрагини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, чапини (эса) икки акалари эмарди.

وأَصْبَحَتْ بَعْدَ الْهُزَالِ وَالْفَقْرِ غَنِيَّة

Оч-наҳорлик, камбағалликдан кейин бой бўлиб кетдилар.

وَسَمِنَتِ الشَّارِفُ لَدَيْهَا وَالشِّيَاه

Уларнинг туяси ва қўйлари семирди.

وَانْجَابَ عَنْ جَانِبِهَا كُلُّ مُلِمَّةٍ وَرَزِيَّة

(Хонадонидан эса) бало ва мусибатлар узоқ бўлди (ариди).

وَطَرَّزَ السَّعْدُ بُرْدَ عَيْشِهَا الْهَنِيِّ وَشَاه

Бахт-саодат Ҳалиманинг либосини лаззат (ва барака) нақшлари билан безади.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И А Т Р

## УЛҒАЙИШ ДАВРИ ВА КЎКРАК ЁРИЛИШ ҲОДИСАСИ

وَكَانَ يَشِبُّ في الْيَوْمِ شَبَابَ الصَّبِيِّ في الشَّهْرِ بِعِنَايَةٍ رَبَّانِيَّةٍ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Раббоний ёрдам (иноят) ила бир кунда бир ойлик улғаяр эдилар.

فَقَامَ علي قَدَمَيْهِ في ثَلَاثٍ وَمَشَي في خَمْسٍ وَقَوِيَ في تِسْعٍ مِنَ الشُّهُورِ بِفَصِيحِ النُّطْقِ وَقُوَاه

Натижада уч ойлик бўлганларида той туриб, беш ойлик бўлганларида юра бошладилар.Тўққиз ойлик бўлганларида эса фасиҳ нутқда (равон сўзлай) бошладилар.

وَشَقَّ الْمَلَكَانِ صَدْرَهُ الشَّرِيفَ لَدَيْهَا وَأَخْرَجَا مِنْهُ عَلَقَةً دَمَوِيَّةً

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳалиманинг ҳузурида эканлигида икки фаришта муборак кўкракларини ёриб, ундан (шайтоннинг насибаси) қора қонни олиб ташладилар.

وَأَزَالَا مِنْهُ حَظَّ الشَّيْطَانِ وَبِالثَّلْجِ غَسَلَاهُ

Шайтоннинг насибасини олиб қор билан ювдилар.

وَمَلَآهُ حِكْمَةً وَمَعَانِيَ إِيمَانِيَّةً ثُمَّ خَاطَاهُ وَبِخَاتَمِ النُّبُوَّةِ خَتَمَاهُ

Қалбини ҳикмат, иймон маъноларига тўлдириб, маънавий ип билан тикиб қўйдилар.Ва уни хотами нубувват билан муҳрладилар.

وَوَزَنَاهُ فَرَجَحَ بِأَلْفٍ مِنْ أُمَّتِهِ الأُمَّةِ الْخَيْرِيَّةِ

Фаришта уни вазнлаганда энг яхши умматнинг мингтасидан оғир келди.

وَنَشَأَ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلي أَكْمَلِ الْأَوْصَافِ مِنْ حَالِ صِبَاه

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам комил сифатлар билан (тарбияланиб) ўсдилар.

ثُمَّ رَدَّتْهُ إِلَى أُمِّهِ وَهِيَ بِهِ غَيْرُ سَخِيَّةٍ حَذَرًا مِنْ أَنْ يُصَابَ بِمُصَابِ حَادِثٍ تَخْشَاهُ

(Кўкрак ёрилиш ҳодисасидан кейин яна) бир ҳодиса рўй беришидан хавфсираб, у зотдан ажралишни истамасада, ўз онасига қайтариб берди.

وَوَفَدَتْ عَلَيْهِ حَلِيمَةُ فِي أَيَّامِ حَدِيجَةَ السَّيِّدَةِ الرَّضِيَّةِ فَحَبَاهَا مِنْ حِبَائِهِ الْوَافِرِ بِحَيَاهُ

Розия (ҳамма рози бўлган) Саййида Хадижа онамиз (ҳаёт) кунларининг бирида Ҳалима Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келганида, ёмғир каби (фойдали) жуда кўп ҳадялар инъом этдилар.

وَقَدِمَتْ عَلَيْهِ يَوْمَ حُنَيْنٍ فَقَامَ إِلَيْهَا وَأَخَذَتْهُ الْأَرْيَحِيَّةُ

Ҳунайн кунида келганларида эса хурсанд бўлиб, ўринларидан туриб турдилар.

وَبَسَطَ لَهَا مِنْ رِدَائِهِ الشَّرِيفِ بِسَاطَ بِرِّهِ وَنَدَا

Муборак чакмонларини яхшилик гиламидек тўшаб, иззат- икром қилдилар

وَالصَّحِيحُ أَنَّهَا أَسْلَمَتْ مَعَ زَوْجِهَا وَالْبَنِينَ وَالذُّرِّيَّةِ

Саҳиҳ (гап)га биноан, Ҳалима, эри (Ҳорис ибн Абдул Уззо, лақаби Абу Кабша), болалари ва зурриётлари мусулмон бўлганликлари (айтилган).

وَقَدْ عَدَّهُمَا فِي الصَّحَابَةِ جَمْعٌ مِنْ ثِقَاتِ الرُّوَاةِ

Ишончли ҳадис ровийларидан бир қанчалари иккисини саҳоба- лардан ҳисоблаганлар.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал- ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Ў Н И Н Ч И А Т Р

ТЎРТ, ЙИГИРМА ТЎРТ ЁШ ОРАЛИГИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

وَلَمَّا بَلَغَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعَ سِنِينَ خَرَجَتْ بِهِ أُمُّهُ إِلَى الْمَدِينَةِ النَّبَوِيَّةِ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт ёшга етганларида онаси (кейинчалик ҳижрат қилиб ,иккинчи ватанларига айланган) Мадинаи Мунавварага олиб борди.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт ёшга етганларида онаси вафот қилди. Сийрат китобларида бу борада турли хил ривоятлар келтирилган. Олти ёшга тўлганда дейилган ривоят энг саҳиҳи ҳисобланади.

ثُمَّ عَادَتْ فَوَافَتْهَا بِالْأَبْوَاءِ أَوْ بِشِعْبِ الْحَجُونِ الْوَفَاةُ

Қайтаётиб (Омина) Абво ёки Жаҳунда тоғлик жой атрофида вафот қилди.

وَحَمَلَتْهُ حَاضِنَتُهُ أُمُّ أَيْمَنَ الْحَبَشِيَّةُ الَّتِي زَوَّجَهَا عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ بَعْدُ مِنْ زَيْدِ بْنِ حَارِثَةَ مَوْلَاهُ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қараш хизматини кейинчалик мавлоси (озод қилган қули) Зайд ибн Ҳорисага турмушга берган (асли) Ҳабашистонлик Умму Айман (исми Барака бинти Саълаба) ўз

зиммасига олди.

وَأَدْخَلَتْهُ عَلَي عَبْدِالْمُطَّلِبِ فَضَمَّهُ إِلَيْهِ وَرَقَّ لَهُ وَأَعْلَي رُقِيَّةً

Умму Айман  Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси Абдулмуттоллибни олдига олиб борганида бағрига босди. Меҳр кўрсатди. (Ўз фарзандларидан ҳам кўра) зиёда эҳтиром кўрсатди.

وَقَالَ إِنَّ لإِبْنِي هَذَا لَشَأْنًا عَظِيمًا فَبَخٍ بَخٍ لِمَنْ وَقَّرَهُ وَوَالَاهُ

Бу фарзандимни шаъни улуғ, мартабаси баланддир. Ким уни ҳурмат қилиб, дўст тутса, офарин, тасанно  бўлсин деб қўйди.

وَلَمْ تَشْكُ فِي صِبَاهُ جُوعًا وَلَا عَطَشًا قَطُّ نَفْسُهُ الْأَبِيَّةُ وَكَثِيرًا مَا غَدَا  فَاغْتَذَى
مَآءَ زَمْزَمَ فَكَفَاهُ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (яхшиликлар- дан) ман қилувчи нафслари  ёшлигида (катта бўлганларида ҳам) харгиз очлик ва ташналикдан эътироз қилмади. Кўпинча бориб замзам суви билангина нонуша қилар, унга кифояланардилар.

وَلَمَّا أُنِيخَتْ بِفِنَاءِ جَدِّهِ عَبدِ الْمُطَّلِبِ مَطَايَا الْمَنِيَّةِ كَفَلَهُ عَمُّهُ أَبُوطَالِبٍ شَقِيقُ
أَبِيهِ عَبْدِاللهِ

Абдулмуттолибнинг (уйи) саҳнасидан ўлим уловлари овози эштилганда, амакиси, отаси Абдуллоҳни туғишган акаси Абу Толиб,  Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз кафиллигига олди.

فَقَامَ بِكَفَالَتِهِ بِعَزْمٍ قَوِيٍّ وَهِمَّةٍ وَحَمِيَّةٍ وَقَدَّمَهُ عَلَي النَّفْسِ وَالْبَنِينَ وَرَبَّاهُ

(Ёвдан) ҳимоя қилиш, олий ҳиммат кўрсатиш, кучли матонат ила кафиллик қилди. (Амакиси) Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзи ва фарзандларидан муқаддам қўяр эди. Чиройли тарбия қиларди.

وَلَمَّا بَلَغَ اثْنَتَيْ عَشَرَةَ سَنَةً رَحَلَ بِهِ عَمُّهُ أَبُو طَالِبٍ إِلَي الْبِلَادِ الشَّامِيَّةِ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн икки ёшга етганларида, амакиси Абу Толиб жиянини Шом шаҳрига олиб борди.

وَعَرَفَهُ الرَّاهِبُ بَحِيرَا بِمَا حَازَهُ مِنْ وَصْفِ النُّبُوَّةِ وَحَوَاه

Роҳиб Баҳийро (Буҳайро) аҳли китобларнинг Таврот, Инжил каби муқаддас китобларида жамлаган  ва ўрганган илмлари натижасида у зотни таниди.

وَقَالَ إِنِّي أَرَاهُ سَيِّدَ الْعَالَمِينَ وَرَسُولَ اللهِ وَنَبِيَّهُ

“Мен уни оламларнинг саййиди, Аллоҳнинг расули ва пайғам- бари деб биламан”- деди.

قَدْ سَجَدَ لَهُ الشَّجَرُ وَالْحَجَرُ وَلَا يَسْجُدَانِ إِلَّا لِنَبِيٍّ أَوَّاه

Дарахтлар, тошлар у зотга таъзим қилади. Булар фақатгина тоат-ибодати кўп пайғамбаргагина таъзим қиладилар.

وَإِنَّا نَجِدُ نَعْتَهُ فِي الْكُتُبِ الْقَدِيمَةِ السَّمَاوِيَّةِ

Биз самовий қадимги китобларда ҳам у зотнинг сифатларини топамиз.

وَبَيْنَ كَتِفَيْهِ خَاتَمُ النُّبُوَّةِ قَدْ عَمَّهُ النُّورُ وَعَلَاه

(Сўзини тасдиқлаш мақсадида) икки кураги орасида нур таратиб, олий бўлиб турган нубувват муҳри бор деди.

وَأَمَرَ عَمَّهُ بِرَدِّهِ إِلَي مَكَّةَ تَخَوُّفًا عَلَيْهِ مِنْ أَهْلِ دِينِ الْيَهُودِيَّةِ

Амакисини яҳудий дини аҳллари (зараридан) хавфсираб, уни Маккага олиб кетишга буюрди.

فَرَجَعَ بِهِ وَلَمْ يُجَاوِزْ مِنَ الشَّامِ الْمُقَدَّسِ بُصْرَاهُ

Муқаддас Шомга етмасданоқ (ярим йўлдан) Бусрога қайтдилар.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

ЎН БИРИНЧИ АТР

БУСРОГА САФАР

وَلَمَّا بَلَغَ خَمْسًا وَعِشْرِينَ سَنَةً سَافَرَ إِلَي بُصْرَي فِي تِجَارَةٍ لِخَدِيجَةَ الْفَتِيَّةِ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма беш ёшга етганларида, гўзал, навқирон Хадича онамизнинг тижорати сабаб Бусро шаҳрига сафар қилдилар.

وَمَعَهُ غُلَامُهَا مَيْسَرَةُ يَخْدُمُهُ وَيَقُومُ بِمَا عَنَاهُ

У зот билан Хадича онамизнинг ғуломи Майсара (ҳам) бор эди.У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қасд қилган ишларида ёрдам (кўрсатиб), хизматларида бўлар эди.

وَنَزَلَ تَحْتَ شَجَرَةٍ لَدَي صَوْمَعَةِ نَسْطُورَا رَاهِبِ النَّصْرَانِيَّةِ

Насронийлар роҳиби Настуронинг ибодатхонаси олдидаги дарахт тагига (дам олиш учун) тушдилар.

فَعَرَفَهُ إِذْ مَالَ إِلَيْهِ ظِلُّهُ الْوَافِرُ وَآوَاهُ وَقَالَ مَا نَزَلَ تَحْتَ هَذِهِ الشَّجَرَةِ قَطُّ إِلَّا نَبِيٌّ ذُو صِفَاتٍ نَقِيَّةٍ وَرَسُولٌ قَدْ خَصَّهُ اللهُ بِالْفَضَائِلِ وَحَبَاهُ

Настуро устида соябон қилиб қуёш иссиғидан кенг кўланка қилган (булутлар) соясини (кўриб), у зотни таниди.

“Бу дарахтнинг тагига (дам олиш учун) тушган киши пок сифатли пайғамбар, Аллоҳ таоло гўзал фазилатлар билан сийлаган расул экан-ку”,- деди.

ثُمَّ قَالَ لِمَيْسَرَةَ أَفِي عَيْنَيْهِ حُمْرَةٌ اسْتِظْهَارًا لِلْعَلَامَةِ الْخَفِيَّةِ

Сўнгра (Настуро) Майсарага махфий аломатларни зоҳир қилиш учун: -“Икки кўзида қизиллик борми?”-деди.

فَأَجَابَهُ بِنَعَمْ فَحَقَّ لَدَيْهِ مَا ظَنَّهُ وَتَوَخَّاهُ

-“Ҳа”, -деб жавоб қайтарди (Майсара). Настуронинг кўрган нарсалари ҳақиқат бўлиб чиқди.

ثُمَّ قَالَ لِمَيْسَرَةَ لَا تُفَارِقْهُ وَكُنْ مَعَهُ بِصِدْقِ عَزْمٍ وَحُسْنِ طَوِيَّةٍ فَإِنَّهُ مِمَّنْ أَكْرَمَهُ اللهُ تَعَالَى بِالنُّبُوَّةِ وَاجْتَبَاهُ

Кейин эса, Майсарага:

“Ундан ажрамагин. Чиройли ният, содиқ мақсад ила унинг хизматида бўл.Чунки У зотни Аллоҳ таоло пайғамбарлик ила мукаррам қилган, (башарият ичидан) танлаб олган”,-деди.

ثُمَّ عَادَ إِلَى مَكَّةَ فَرَأَتْهُ خَدِيجَةُ مُقْبِلًا وَهِيَ بَيْنَ نِسْوَةٍ فِي عُلِّيَّةٍ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам (ва Майсара) Маккага қайтди(лар) . Хадижа розияллоҳу анҳо хона ичида аёллар орасида улов устида келаётган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрди.

وَمَلَكَانِ عَلَي رَأْسِهِ الشَّرِيفِ مِنْ ضِحِّ الشَّمْسِ قَدْ أَظَلَّاهُ

Муборак бошлари узра икки фаришта қуёш иссиғидан соя қиларди.

وَأَخْبَرَهَا مَيْسَرَةُ بِأَنَّهُ رَآي ذَالِكَ فِي السَّفَرِ كُلِّهِ وَبِمَا قَالَهُ الرَّاهِبُ وَأَوْدَعَهُ لَدَيْهِ مِنَ الْوَصِيَّةِ وَضَاعَفَ اللهُ فِي تِلْكَ التِّجَارَةِ رِبْحَهَا وَنَمَّاهُ فَبَانَ لِخَدِيجَةَ بِمَا رَأَتْ وَسَمِعَتْ أَنَّهُ رَسُولُ اللهِ إِلَي الْبَرِيَّةِ

Майсара Хадижа онамизга ана шу (соя)ни бутун сафар давомида бўлганини, роҳиб айтиб берган нарсаларни, роҳибни ўзига (Майсарага) қилган васиятларини, тижоратларида Аллоҳ таоло фойдани зиёда ва ортиқ қилганини айтиб берганида, Хадича онамизга кўрган, эшитганлари натижасида (муборак) зот Аллоҳни бутун мавжудотларга расули эканлиги равшанлашди.

فَخَطَبَتْهُ إِلَي نَفْسِهَا لِتَشَمُّمِ الْإِيمَانِ بِهِ طِيبَ رَيَّاهُ

Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламга ёқимли иймон бўйини ҳидлаш учун ўзига совчи қўйдиришини истади

فَأَخْبَرَ أَعْمَامَهُ بِمَا دَعَتْهُ إِلَيْهِ هَذِهِ الْبَرَّةُ التَّقِيَّةُ فَرَغِبُوا فِيهَا لِفَضْلٍ وَدِينٍ وَجَمَالٍ وَمَالٍ وَحَسَبٍ كُلٌّ مِنَ الْقَوْمِ يَهْوَاهُ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам покиза, барча яхшиликларни ўзида жамлаган Хадижа онамиз талаб қилган нарсаларни амакисига айтдилар. Хадижа онамизни фазилатлари, дини, чиройи, моли, ҳасабига рағбат қилди. Ҳар бир қавм (эса) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрар эди.

وَخَطَبَ أَبُو طَالِبٍ وَأَثْنَي عَلَيْهِ صَلَّي اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ أَنْ حَمِدَ اللهَ بِمَحَامِدَ سَنِيَّةَ

Шарҳ: Икки томон тўйга рози бўлди. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси Ҳамза розияллоҳу анҳу совчи бўлиб борди.

Абу Толиб хутба ўқиди. Хутбасида балоғатли мақтовлар ила Аллоҳга ҳамду санолар айтганидан сўнг, Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламни мақтади.

وَقَالَ وَهُوَ وَاللهِ بَعْدُ لَهُ نَبَأٌ عَظِيمٌ يُحْمَدُ فِيهِ سُرَاهُ فَزَوَّجَهَا مِنْهُ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ أَبُوهَا وَقِيلَ عَمُّهَا وَقِيلَ أَخُوهَا لِسَابِقِ سَعَادَتِهَا الْأَزَلِيَّةِ Аллоҳга қасамки, бунда келажакда амаллари мақталадиган улуғ бир мартаба бордир. Хадижа онамизни Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламга отаси, бир ривоятда амакиси, (бошқасида эса) акаси Аллоҳ азалда (тақдир қилган имон келтиришдек) саодатга биринчи етишишлиги учун турмушга берган.

وَأَوْلَدَهَا كُلَّ أَوْلَادِهِ إِلَّا الَّذِي بِاسْمِ الْخَلِيلِ سَمَّاهُ

Халил (Иброҳим) исмли ўғлидан бошқа ҳамма фарзандларини Хадижа онамиз туғиб берди.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Ў Н И К К И Н Ч И А Т Р

## КАЪБАНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

وَلَمَّا بَلَغَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَمْسًا وَثَلَاثِينَ سَنَةً بَنَتْ قُرَيْشٌ الْكَعْبَةَ لِانْصِدَاعِهَا بِالسُّيُولِ الْأَبْطَحِيَّةِ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз беш ёшга кирганларида қурайшликлар Каъбани қайта қуришга киришдилар. Зеро, (Маккага кираверишдаги) Абтоҳ деган жойдан сел келиб, унинг деворлари ёрилиб,(таъмир талаб) бўлиб қолганди.

Шарҳ: Қурилиш нопок пуллар аралашмаган ҳалол, покиза пуллар эвазига бўлди. Қурилиш ҳамжиҳатлик билан бошланди.

وَتَنَازَعُوا فِي رَفْعِ الْحَجَرِ الْأَسْوَدِ فَكُلٌّ أَرَادَ رَفْعَهُ وَرَجَاه

Ҳажарул асвадни жойига қўйишга (навбат) келганда, ҳар бир қабила (бу шарафли ишни ўзига бўлишини) хоҳлар, орзу қилар (натижада) ўртада низога бордилар.

وَعَظُمَ الْقِيلُ وَالْقَالُ وَتَخَالَفُوا عَلَى الْقِتَالِ وَقَوِيَتِ الْعُصْبِيَّةُ

Гап- сўз кўпайди. Уруш қилишга қасам ичдилар. Қабилалар орасида адоват кучайди.

ثُمَّ تَدَاعَوْا إِلَى الْإِنْصَافِ وَفَوَّضُوا الْأَمْرَ إِلَى ذِي رَأْيٍ صَائِبٍ وَأَنَاه

Бир-бирларини инсофга чақирдилар. Ишни тўғри фикр юритувчи, шошилмасдан (одилона ҳукм чиқарувчи) кишига топши- ришни келишиб олишди.

فَحَكَمَ بِتَحْكِيمِ أَوَّلِ دَاخِلٍ مِنْ بَابِ السَّدَنَةِ الشَّيْبِيَّةِ

“Бас, Саданатуш-шайба эшигидан биринчи бўлиб кирган киши ҳукм қилсин (дейишди)”.

فَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَوَّلَ دَاخِلٍ فَقَالُوا هَذَا الْأَمِينُ وَكُلُّنَا نَقْبَلُهُ وَنَرْضَاه وَأَخْبَرُوهُ بِأَنَّهُمْ رَضُوْهُ أَنْ يَكُونَ صَاحِبَ الْحُكْمِ فِي هَذَا الْمُلِمِّ وَوَلِيَّهُ

Эшикдан биринчи (пайғамбарлиги кутилаётган зот) Набий соллоллоҳу алайҳи васаллам кирди. (У зотни кўриб ҳамма хурсанд бўлди. Бир овоздан): “Бу Амин-ку! Рози бўлдик. (Ҳукмини) қабул қилдик”(дейишди). Бу

жанжалли ишда Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васал- ламни (адолатли) ҳукм соҳиби ва иш бошчи бўлишига розилик- ларини изҳор қилдилар.

فَوَضَعَ الْحَجَرَ فِي ثَوْبٍ ثُمَّ أَمَرَ أَنْ تَرْفَعَهُ الْقَبَائِلُ جَمِيعًا إِلَى مُرْتَقَاه

Ридоларини олиб келишга амр қилдилар.Унга тошни қўйдилар. Ҳар бир қабиладан (бир вакил) ридо четидан ушлаб тошни ўз жойигача олиб боришга амр қилдилар.

فَرَفَعُوهُ إِلَى مَقَرِّهِ مِنْ رُكْنِ هَاتِيكَ الْبَنِيَّة

Каъбани (жанубий шарқий) рукни томонидан ўз жойига кўтар- дилар.

وَوَضَعَهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِيَدِهِ الشَّرِيفَةِ فِي مَوْضِعِهِ الْآنَ وَبَنَاه

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳажарул асвадни ҳозирги бино бўлган жойига муборак қўллари билан қўйиб қўйди-лар.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمْ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Ў Н У Ч И Н Ч И А Т Р

ВАҲИЙ, НУБУВВАТ ВА РИСОЛАТ ҲАҚИДА

وَلَمَّا كَمَلَ لَهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعُونَ سَنَةً عَلَى أَوْفَقِ الْأَقْوَالِ لِذَوِي الْعَالَمِيَّةِ بَعَثَهُ اللهُ تَعَالَى لِلْعَالَمِينَ بَشِيْرًا وَنَذِيرًا فَعَمَّهُمْ بِرُحْمَاهُ

Аҳли илмларнинг наздида энг тўғри (энг ишончли) сўзларга қараганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшга тўлганларида, Аллоҳ таоло бутун оламларга Башир (жаннат ҳушха- барларини берувчи) Назир (дўзахдан огоҳлантирувчи) раҳмати билан чулғаб оладиган (Пайғамбар) этиб юборди.

وَبُدِئَ إِلَى تَمَامِ سِتَّةِ أَشْهُرٍ بِالرُّؤْيَا الصَّادِقَةِ الْجَلِيَّةِ

(Пайғамбарлик) олти ой бўлгунча (таъбир ва таъвилга муҳтож бўлмайдиган) очиқ ойдин, ҳақ тушлар билан бошланди.

فَكَانَ لَا يَرَى رُؤْيَا إِلَّا جَاءَتْ مِثْلَ فَلَقِ صُبْحٍ أَضَاءَ سَنَاهُ

У зотга (кўринаётган) тушлар ҳудди жилвадор тонг ёруғидек (ўнгидан) келарди.

وَإِنَّمَا ابْتُدِئَ بِالرُّؤْيَا تَمْرِينًا لِلْقُوَى الْبَشَرِيَّةِ لِئَلَّا يَفْجَأَهُ الْمَلَكُ بِصَرِيْحِ النُّبُوَّةِ فَلَا تَقْوَاهُ قُوَاهُ

Албатта башариятнинг энг кучлисига синов машқи тариқасида (туш) кўриш билан бошланди.Чунки фаришта (Жаброил) ногаҳон пайғамбарликни олиб келганда, кучли (бардоши ҳам) дош бера олмас эди.

وَحُبِّبَ إِلَيْهِ الْخَلَاءُ فَكَانَ يَتَعَبَّدُ بِحِرَاءَ اللَّيَالِيَ الْعَدَدِيَّةَ إِلَى أَنْ أَتَاهُ فِيهِ صَرِيْحُ الْحَقِّ وَوَافَاهُ

Сўнгра у зотга ёлғиз қолиш маҳбуб бўлиб қолди. Очиқ ҳақиқат (ваҳий, Қуъони карим) нозил бўлгунча, Ҳиро ғорида бир неча кеча (таҳаннус ибодати-ғорда ўтириб руҳий покланиш одати) ибодат қилар эдилар.

وَذَلِكَ فِي يَوْمِ الْإِثْنَيْنِ لِسَبْعَ عَشَرَةَ خَلَتْ مِنْ شَهْرِ اللَّيْلَةِ الْقَدْرِيَّةِ

Ана шу (Қуръони Карим нозил бўлган  биринчи кеча) Рамазон ойининг Лайлатул қадр, кечаси душанба куни эди.

وَثَمَّ أَقْوَالٌ لِسَبْعٍ أَوْ أَرْبَعٍ وَعِشْرِينَ مِنْهُ أَوْ لِثَمَانٍ خَلَتْ مِنْ شَهْرِ مَوْلِدِهِ الذِّي بَدَا فِيهِ بَدْرُ مُحَيَّاهُ

Рамазон ойини еттинчи, ўн еттинчи ёки йигирма тўринчи куни ёҳуд муборак юзлари ўн тўрт кунлик порлаган таваллуд топган ойларини (робиул аввал) саккизинчи куни эди деган гаплар ҳам мавжуд.

فَقَالَ لَهُ اقْرَأْ فَقَالَ مَا أَنَا بِقَارِئٍ فَغَطَّهُ غَطَّةً قَوِيَّةً

Одатларидек  Ҳиро ғорида эдилар. Фаришта Жаброил келиб: “Ўқи!” деди.
“Мен ўқувчи эмасман”, дедилар. У пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзига қаттиқ тортди.

حَتَّي بَلَغَ مِنْهُ الْجُهْدُ وَغَطَّاهُ ثُمَّ قَالَ لَهُ اقْرَأْ فَقَالَ مَا أَنَا بِقَارِئٍ فَغَطَّهُ ثَانِيَةً

Сўнгра (қўйиб юборди яна): “Ўқи” деди. “Мен ўқувчи эмасман”, дедилар. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни иккинчи марта тутиб ўзига торди. Ҳаттоки Пайғамбаримизга қийинчилик етказди.

ثُمَّ قَالَ لَهُ اقْرَأْ فَقَالَ مَا أَنَا بِقَارِئٍ فَغَطَّهُ ثَالِثَةً لِيَتَوَجَّهَ إِلَي مَا سَيُلْقَي إِلَيْهِ بِجَمْعِيَّةٍ وَيُقَابِلَهُ بِجِدٍّ وَاجْتِهَادٍ وَيَتَلَقَّاهُ

Сўнгра (қўйиб юборди яна): “Ўқи”деди. “Мен ўқувчи эмасман”, деди. Учинчи марта ўзига тортди.

Бу (зоҳирий ҳамда ботиний аъзолари, қолаверса қалби) бутун вужуди билан тезда йўлиқиб, жидду-жаҳд, ижтиҳод ила рўбарў бўладиган, қабул қилиб, фаҳмлаб оладиган нарсаларига юзланиш учун (эди).

ثُمَّ فَتَرَ الْوَحْيُ ثَلَاثَ سِنِينَ أَوْ ثَلَاثِينَ شَهْرًا لِيَشْتَاقَ إِلَي انْتِشَاقِ هَاتِيكَ النَّفَحَاتِ الشَّذِيَّةِ

Сўнгра ширин, ҳушбўй, ўта ёқимли бўйларини ҳидлашга муштоқ бўлиши учун ваҳий уч йил ёки олти ой узилиб қолди. (Мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ ўта балоғатли сўзлар иштрокида ваҳий узилиб қолганлагини ва бу ҳикмат асосида бўлганини баён қилмоқдалар.Ваҳий оғир иш.Бир оғир иш кетма-кет такрорланаверса, қийинчилик туғдириши турган гап. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга енгиллик қилиш, қолаверса вахийга бўлган завқларини ошириш яна ваҳийдаги қўрқувни кетгазиш мақсадида ваҳий узилиб қолган.)

ثُمَّ أُنْزِلَتْ عَلَيْهِ يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ فَجَاءَهُ جِبْرِيلُ بِهَا وَنَادَاهُ

Кейин “Муддассир” (сураси) нозил қилинди. Жаброил алайҳис- салом уни олиб келди ва нидо қилди.

فَكَانَ فِي تَقَدُّمِ اقْرَأْ بِاسْمِ شَاهِدٌ عَلَى أَنَّ لَهَا السَّابِقِيَّةَ وَالتَّقَدُّمَ عَلَى رِسَالَتِهِ بِالنِّذَارَةِ وَالْبِشَارَةِ لِمَنْ دَعَاهُ

“Иқроъ бисми Роббик”ни олдин нозил бўлиши, Исломга чақирган кишиларини дўзах (азоби)дан қўрқитиш, жаннат ҳушхабар- ларини бериш ила бўлган рисолатига муқаддам бўлганлигига далилдир.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Ў Н Т Ў Р Т И Н Ч И А Т Р

## ИЙМОН КЕЛТИРИШ

وَأَوَّلُ مَنْ آمَنَ بِهِ مِنَ الرِّجَالِ أَبُو بَكْرٍ صَاحِبُ الْغَارِ وَالصِّدِّيْقِيَّةْ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи бўлиб иймон келтирган эркаклардан ғордаги соҳиблари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу.

وَمِنَ الصِّبْيَانِ عَلِيٌّ وَمِنَ النِّسَاءِ خَدِيْجَةُ الَّتِي ثَبَّتَ اللهُ بِهَا قَلْبَهُ وَوَقَاهُ وَمِنَ الْمَوَالِي زَيْدُ ابْنُ حَارِثَةَ وَمِنَ الْأَرِقَّاءِ بِلَالٌ الَّذِي عَذَّبَهُ فِي اللهِ أُمَيَّةُ

Болалардан эса Али. Аёллардан унинг ёрдамида Пайғамба- римиз соллаллоҳу алайҳи васалламни қалбларини бақувват қилиб (душманлардан эҳтиётлаган) сақлаган Хадижа онамиз бўлди. Мав- лолардан (озод қилинган қул) Зайд ибн Ҳориса,қуллардан эса Аллоҳ йўлида Умайя азоблаган Билол бўлди.

وَأَوْلَاهُ مَوْلَاهُ أَبُو بَكْرٍ مِنَ الْعِتْقِ مَا أَوْلَاهُ

Абу Бакр уни қулликдан озод қилиб, кўп инъомлар ҳадя қилди.

ثُمَّ أَسْلَمَ عُثْمَانُ وَسَعْدٌ وَسَعِيْدٌ وَطَلْحَةُ وَابْنُ عَوْفٍ وَابْنُ الْعَمَّةِ صَفِيَّةَ وَغَيْرُهُمْ مِمَّنْ أَنْهَلَهُ الصِّدِّيْقُ رَحِيقَ التَّصْدِيْقِ وَسَقَاهُ

Сўнг Усмон, Саъд, Саъийд, Толҳа, (Абдурроҳман) ибн Авф ва аммаси Софийянинг ўғли (Зубайр ибн Аввом Асадий Қуроший) ҳамда Сиддиқнинг тасдиқ қилиш шаробига қизиқтирган ва (ундан ичишни истаб чанқоғини қондирганлар) имон келтирдилар.

وَمَا زَالَتْ عِبَادَتُهُ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابِهِ مَخْفِيَّةً حَتَّى أُنْزِلَ عَلَيْهِ فَاصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ

“Бас, сенга амр этилган нарсани юзага чиқар...” (Ҳижр, 94-оят)

ояти каримаси нозил бўлгунича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар махфий ибодат қилардилар.

فَجَهَرَ بِدُعَاءِ الْخَلْقِ إِلي اللهِ وَلَمْ يَعْبُدْ مِنْهُ قَوْمُهُ حَتّي عَابَ آلِهَتَهُمْ وَأَمَرَ بِرَفْضِ مَا سِوَي الْوَحْدَانِيَّةِ

Кейин халқни Исломга ошкора чақирдилар. Қурайш қабила- ларини (сохта) олиҳаларини айблаб, ваҳдониятдан бошқани тарк қилишга буюрганларида, Пайғамбаримиздан қавми узоқлашди.

فَتَجَرَّؤُوا عَلَي مُبَارَزَتِهِ بِالْعَدَاوَةِ وَأَذَاه وَاشْتَدَّ الْبَلَاءُ عَلَي الْمُسْلِمِينَ فَهَاجَرُوا فِي سَنَةِ خَمْسٍ إِلَي النَّاحِيَةِ النَّجَّاشِيَّةِ وَحَدِبَ عَلَيْهِ عَمُّهُ أَبُو طَالِبٍ فَهَابَهُ كُلٌّ مِنَ الْقَوْمِ وَتَحَامَاه

(Мушриклар ўйлаб- нетмай) у зотга азият етказиш, душманлик қилишга журъат қилдилар. Мусулмонлар устига (ёғилаётган) балолар шиддатли тус олди. Натижада (пайғамбарликни) бешинчи йили Нажоший (ҳукмдор Ҳабшистон) томон ҳижрат қилдилар. Аксар қабила дўқ-пўписалар билан қўрқитганда, амакиси Абу Толиб Пайғамбаримизга меҳр кўрсатиб, (душманлардан) ҳимоя қилди.

وَفُرِضَ عَلَيْهِ قِيَامُ بَعْضٍ مِنَ السَّاعَاتِ اللَّيْلِيَّةِ ثُمَّ نُسِخَ بِقَوْلِهِ تَعَالَي فَاقْرَءُوا مَا تَيَسَّرَ مِنْهُ وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَفُرِضَ عَلَيْهِ رَكْعَتَانِ بِالْغَدَاةِ وَرَكْعَتَانِ بِالْعَشِيَّةِ ثُمَّ نُسِخَ بِاِيْجَابِ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسِ فِي لَيْلَةِ مَسْرَاه

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кечанинг бир қисмини (ибодат ила) қоим қилиши фарз қилинди. Сўнгра ояти “...Бас, ундан муяссар бўлганича қироат қилинглар. Ва намозни қоим қилинглар...” ояти ҳукмни насх қилди. Эрталаб, кечқурун икки ракаат (намоз) фарз қилинди. Сўнгра у ҳам исро қилдирилган кечада беш вақт намоз ўқиш фарз бўлиши билан насх бўлди.

وَعَظُمَتْ بِمَوْتِهِ الرِّزِيَّةُ وَمَاتَ أَبُو طَالِبٍ فِي نِصْفِ شَوَّالٍ مِنَ الْعَاشِرَةِ وَتَلَتْهُ خَدِيجَةُ بَعْدَ ثَلَاثٍ وَشَدَّ الْبَلَاءُ عَلَي الْمُسْلِمِينَ وَثِيقَ عُرَاه

(Нубувватнинг) ўнинчи йили, ўн бешинчи шавволда Абу Толиб вафот этди. Уч кундан кейин Хадижа онамиз (Абу Толибга) эргашди. Мусибат мусулмонларга мустаҳкам арқонини боғлади.

وَأَوْقَعَتْ قُرَيْشٌ بِهِ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ كُلَّ أَذِيَّةٍ وَأَمَّ الطَّائِفَ يَدْعُوا ثَقِيفاً
فَلَمْ يُحْسِنُوا بِالْإِجَابَةِ قِرَاهُ فَأَغْرَوْا بِهِ السُّفَهَاءَ وَالْعَبِيدَ فَسَبُّوهُ بِأَلْسُنٍ بَذِيَّةٍ
وَرَمَوْهُ بِالْحِجَارَةِ حَتَّي خُضِّبَتْ بِالدِّمَاءِ نَعْلَاهُ

Қурайш (кофирлари) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар хил азиятлар бера бошладилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга (боришни) қасд қилдилар. Сақиф қабиласидагилар у зотга (хунук) жавоб қайтариш билан хурмат- сизлик, масхара қилдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва- саллам (йўли)га тентаклар ва қуллар (ҳамда ёш болалар)ни қўйдилар.Хунук сўзлар ила хақорат қилиб, (чунонан) тош отдиларки, ҳатто муборак кавушлари қизил қонга (қалблари эса аламга) тўлди.

ثُمَّ عَادَ إِلَي مَكَّةَ حَزِيْناً فَسَأَلَهُ مَلَكُ الْجِبَالِ فِي إِهْلَاكِ أَهْلِهَا ذَوِي الْعُصْبِيَّةِ فَقَالَ
إِنِّي أَرْجُوا أَنْ يُخْرِجَ اللهُ مِنْ أَصْلَابِهِمْ مَنْ يَتَوَلَّاهُ

Маккага хафа бўлиб қайтдилар.Тоғларга (муаккал қилинган) фаришта Тоифни жоҳил, мутаассиб аҳлини ҳалок қилишни сўрага- нида: “Аллоҳ уларнинг сулбидан Ўзини дўст тутадиганларни чиқа- ришини умид қиламан”-дедилар.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيْمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَ
بَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Ў Н Б Е Ш И Н Ч И А Т Р

И С Р О В А М Е Р О Ж

ثُمَّ أُسْرِيَ بِرُوْحِهِ وَجَسَدِهِ يَقْظَةً مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ إِلي الْمَسْجِدِ الْأَقْصَي وَرِحَابِهِ الْقُدْسِيَّةِ وَعُرِجَ بِهِ إِلَي السَّمَاوَاتِ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жасад ва руҳлари ила уйғоқ ҳолларида Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсо ва унинг атрофидаги муқаддас жойларга сайр қилдирилдилар. (Ўша жойдан, Байтул Мақдисдан) осмонга кўтарилдилар.

فَرَأَي آدَمَ فِي الْأُولَي وَقَدْ جَلَّلَهُ الْوَقَارُ وَعَلَاه

Биринчи (осмон)да савлат тўкиб, улуғворлик чулғаб олган Одам алайҳиссаломни кўрдилар.

وَفِي الثَّانِيَةِ عِيسَي ابْنَ الْبَتُولِ الْبَرَّةِ التَّقِيَّة وَابْنَ خَالَتِهِ يَحْيَي الَّذِي أُوتِيَ الْحُكْمَ فِي صِبَاه

Иккинчи (осмон)да парҳезкор, зоҳида, Аллоҳга ибодатлари кўп, тақво (соҳибаси Марям)нинг ўғли Исо алайҳиссаломни ҳамда ёшлигида ҳикмат ато қилинган холасининг ўғли Яҳёни кўрдилар.

وَفِي الثَّالِثَةِ يُوسُفَ الصِّدِّيقَ بِصُوْرَتِهِ الْجَمَالِيَّة

Учинчи (осмон)да ростгўй Юсуф алайҳиссаломни чиройли суратда кўрдилар.

وَفِي الرَّابِعَةِ إِدْرِيسَ الَّذِي رَفَعَ اللهُ مَكَانَهُ وَأَعْلَاه

Тўртинчи (осмон)да Аллоҳ мартабасини баланд ва олий қилган Идрис алайҳиссаломни кўрдилар.

Шарҳ: Идрис дарс сўзидан келиб чиққан бўлиб, Аллоҳнинг китобидан кўп дарс қилганлари учун шундай номланган. Асл исми Ахнух бўлган.

وَفي الْخَامِسَةِ هَارُونَ الْمُحَبَّبَ في الْأُمَّةِ الْإِسْرَائِيلِيَّةِ

Бешинчи (осмон)да Исроил умматларига маҳбуб Ҳорун алайҳис саломни кўрдилар.

وَفي السَّادِسَةِ مُوسَي الَّذِي كَلَّمَهُ اللهُ وَنَاجَاه

Олтинчи (осмон)да Аллоҳ таоло билан сўзлашган, муножот қил- ган Мусо алайҳиссаломни кўрдилар.

وَفي السَّابِعَةِ إِبْرَاهِيمَ الَّذِي جَاءَ رَبَّهُ بِسَلَامَةِ الْقَلْبِ وَحُسْنِ الطَّوِيَّةِ وَحَفِظَهُ اللهُ مِنْ نَارِ نَمْرُود وَعَافَاه

Еттинчи (осмон)да Намрудни ўтидан сақлаб, халос қилган Роббисини (ҳузурига) саломат қалб, гўзал эътиқод билан келган Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар.

ثُمَّ إِلَي سِدْرَةِ الْمُنْتَهَي إِلَي أَنْ سَمِعَ صَرِيفَ الْأَقْلَامِ بِالْأُمُورِ الْمَقْضِيَّةِ إِلَي مَقَامِ الْمُكَافَحَةِ الَّذِي قَرَّبَهُ اللهُ فِيهِ وَأَدْنَاه وَأَمَاطَ لَهُ حُجُبَ الْأَنْوَارِ الْجَلَالِيَّةِ وَأَرَاهُ بِعَيْنَيْ رَأْسِهِ مِنْ حَضْرَةِ الرُّبُوبِيَّةِ مَا أَرَاه

Сўнгра Сидратул Мунтаҳога (ундан) ҳукм қилинадиган ишларни (ёзадиган) қаламларнинг шитирлаши эштиладиган (жой)гача Аллоҳга яқин, тўсиқсиз юзланадиган мақомга кўтарилдилар.Жалолият нурларидан ҳижобни кўтарди. Роббул аъламин ҳузурида (Аллоҳ таало кўришни ирода қилган) нарсаларнинг кўзлари билан кўрдилар.

وَبَسَطَ لَهُ بِسَاطَ الْإِدْلَالِ فِي الْجَمَالِي الذَّاتِيَّةِ

Зотий мазоҳирда улуғворлик гиламларини солди.

وَفَرَضَ عَلَيْهِ وَعَلَي أُمَّتِهِ خَمْسِينَ صَلَوة ثُمَّ انْحَلَّ سَحَابُ الْفَضْلِ فَرُدَّتْ إِلي خَمْسٍ عَمَلِيَّة وَلَهَا أَجْرُ الْخَمْسِينَ كَمَا شَآءَهُ فِي الْأَزَلِ وَقَضَاه

Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ва умматларига (бир кеча кундузда) эллик вақт намоз (ўқишни) фарз қилди. Фазл булутлари (ёмғирларни) тўкди.Натижада амалий беш вақтга туширилди. (Лекин) Аллоҳ таоло азалда ҳукм қилиб, хоҳ- лаганидек эллик вақт намоз ажри бор (деб нидо қилинди).

ثُمَّ عَادَ فِي لَيْلَتِهِ وَصَدَّقَهُ الصِّدِّيقُ وَكُلُّ ذِي عَقْلٍ وَرَوِيَّةٍ

Ўша кеча қайтдилар.(Бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берган- ларида,) Абу Бакр Сиддиқ ва ақл-фаросат эгалари тасдиқ қилдилар.

وَكَذَّبَتْهُ قُرَيْشٌ وَارْتَدَّ مَنْ أَضَلَّهُ الشَّيْطَانُ وَأَغْوَاهُ

Қурайш(нинг кўпи) ва Шайтон адаштирган, туғёнга кетган кишилар ёлғонга чиқарди.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Ў Н О Л Т И Н Ч И А Т Р

## ҚАБИЛАЛАРГА ЎЗЛАРИНИ ТАНИШТИРИШЛАРИ

ثُمَّ عَرَضَ نَفْسَهُ عَلَي الْقَبَائِلِ بِأَنَّهُ رَسُولُ اللهِ فِي الْأَيَّامِ الْمَوْسِمِيَّةِ فَآمَنَ بِهِ سِتَّةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ اخْتَصَّهُمُ اللهُ بِرِضَاهُ وَحَجَّ مِنْهُمْ فِي الْقَابِلِ اثْنَيْ عَشَرَ رَجُلًا وَبَايَعُوهُ بَيْعَةً حَقِّيَّةً

(Ҳаж) мавсуми кунларининг бирида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қабилаларга ўзларини Аллоҳ расули эканлигини эълон

қилганларида, Парвардигор Ўз ризоси билан хослаган олти нафар ансорий имон келтирди. Келгуси йили улардан ўн икки нафари ҳаж қилди, ҳаққийя байъатини қилдилар.

ثُمَّ انْصَرَفُوْا وَظَهَرَ الْإِسْلَامُ بِالْمَدِيْنَةِ فَكَانَتْ مَعْقِلَهُ وَمَأْوَاه

Кейин (Мадинага) қайтдилар.Ислом Мадинада зоҳир бўлиб, қўним топди.

وَقَدِمَ عَلَيْهِ فِي الثَّالِثِ سَبْعُوْنَ أَوْ وَثَلَاثَةٌ وَامْرَأَتَانِ مِنَ الْقَائِلِ الْأَوْسِيَّةِ وَالْخَزْرَجِيَّةِ فَبَايَعُوْهُ وَأَمَّرَ عَلَيْهِمُ اثْنَيْ عَشَرَ نَقِيْبًا جَحَاجِحَةً سَرَاةً وَهَاجَرَ إِلَيْهِمْ مِنْ مَكَّةَ ذَوُو الْمِلَّةِ الْإِسْلَامِيَّةِ

Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига учинчи ақаба (пайти)да Авс ва Хазраж қабилаларидан етмиш ёки етмиш уч эркак ва иккита аёл байъат қилдилар. Уларга ўз қавмида шарафли,обрўли ўн икки кишини бошлиқ қилиб қўйдилар.Уларнинг (ватанларига) Маккадан Ислом миллати ҳижрат қилдилар.

وَفَارَقُوْا الْأَوْطَانَ رَغْبَةً فِيْمَا أُعِدَّ لِمَنْ هَجَرَ الْكُفْرَ وَنَاوَهُ

Куфрни тарк қилиб,ундан узоқ бўлганларга (Аллоҳ ҳузурида( тайёрлаб қўйилган ажр-мукофотга қизиқиб, ватанларини тарк қилдилар.

وَخَافَتْ قُرَيْشٌ أَنْ يَلْحَقَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِأَصْحَابِهِ عَلَى الْفَوْرِيَّةِ فَأْتَمَرُوْا بِقَتْلِهِ فَحَفِظَهُ اللهُ مِنْ كَيْدِهِمْ وَنَجَّاه

Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларига етиб олмаслиги учун у зотни қатл қилишга келишиб олишди. Аллоҳ таоло уларнинг макру ҳийлаларидан нажот бериб, Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлади.

وَعَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيْمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيْمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи  васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Ў Н  Е Т Т И Н Ч И  А Т Р

ҲИЖРАТ

وَقَدْ أُذِنَ لَهُ فِي الْهِجْرَةِ فَرَقَبَهُ الْمُشْرِكُوْنَ لِيُوْرِدُوْهُ بِزَعْمِهِمْ حِيَاضَ الْمَنِيَّةِ

Ҳижрат қилишга изн берилди. Мушриклар (Аллоҳ сақлашидан бехабар, хато) ўйларига биноан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлим ҳовузига ғарқ қилиш учун орқасидан (изма-из) кузатиб боришди.

فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ وَنَثَرَ عَلَيْهِمْ رُؤُسِهِمُ التُّرَابُ وَحَثَاه وَأَمَّ غَارَ ثَوْرٍ وَفَازَ الصِّدِّيْقُ فِيْهِ بِالْمَعِيَّةِ

У (зот) улар томон чиқиб бошларига тупроқ сочдилар. Савр ғори(га бориш)ни қасд қилдилар. (Абу Бакр) Сиддиқ розияллоху анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлиш(дек бахт)га мушарраф бўлди.

Шарҳ:Савр Маккадан беш мил (8 км) узоқликда Атҳал тоғида жойлашган ғор. Савр ибн Абду Маноф киргани учун унга нисбат қилинади.

وَأَقَامَ فِيْهِ ثَلَاثًا تَحْمِي الْحَمَائِمُ وَالْعَنَاكِبُ حِمَاه

Кабутар ва ўргимчак уларни ҳимоя қилиб, ғорда уч кун турдилар.

وَخَرَجَا مِنْهُ لَيْلَةَ الْإِثْنَيْنِ وَهُوَ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ عَلَي خَيْرِ مَطِيَّةٍ

(Якшанбадан) Душанба(га ўтар) кечаси тез чопадиган, сара (икки) туяга (миниб) ғордан чиқдилар.

وَتَعَرَّضَ لَهُ سُرَاقَةُ فَابْتَهَلَ فِيهِ إِلَي اللهِ وَدَعَاه فَسَاخَتْ قَوَائِمُ يَعْبُوبِهِ فِي الْأَرْضِ الصُّلْبَةِ الْقَوِيَّةِ وَسَأَلَهُ الْأَمَانَ فَمَنَحَهُ إِيَّاه

Уларнинг изидан Суроқа (ибн Молик Жаъсам Мудлажий) эргашди.

Пайғамбаримз соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо, тавба- тазаррулар қилдилар, натижада унинг чопқир оти тиззаси(гача) қаттиқ, қуруқ ерга ботди. Омонлик сўраганида, омонлик берилди.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَ
بَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

Ў Н  С А К К И З И Н Ч И  А Т Р

ЙЎЛДАГИ ҲОДИСОТЛАР

وَمَرَّ بِقُدَيْدٍ عَلَي أُمِّ مَعْبَدٍ الْخُزَاعِيَّةِ وَأَرَادُوا ابْتِيَاعَ لَحْمٍ أَوْ لَبَنٍ مِنْهَا فَلَمْ يَكُنْ خِبَاؤُهَا لِشَيْءٍ مِنْ ذَلِكَ قَدْ حَوَاه

(Йўлда) Қудайдда (Робиғ, Суҳайб орасидаги жой) Хузоъа қаби- ласидан Умми Маъбад (исми Отика бинти Холид)нинг олдидан ўта туриб, ундан гўшт ва сут сотиб олишни истадилар. Умми Маъбадни кулбасида улар (сотиб олмоқчи бўлган) нарса йўқ эди.

فَنَظَرَ إِلي شَاةٍ فِي الْبَيْتِ خَلَّفَهَا الْجُهْدُ عَنِ الرَّعِيَّةِ فَاسْتَأْذَنَهَا فِي حَلْبِهَا فَأَذِنَتْ وَقَالَتْ لَوْ كَانَ بِهَا حَلَبٌ لَأَصَبْنَاه

Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уй ичидаги ўта озғинлиги сабабли яйловга чиқмаган қўйга кўзлари тушди. Уни соғишга изн сўрадилар.Умми Маъбад изн бера туриб, кошки, сут берганида ўзимиз соғиб олган бўлардик, деди.

فَمَسَحَ الضَّرْعَ مِنْهَا وَدَعَا اللهَ مَوْلَاهُ وَوَلِيَّهُ فَدَرَّتْ وَحَلَبَ وَسَقَى كُلًّا مِنَ الْقَوْمِ وَأَرْوَاهُ

Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васаллам (муборак қўллари билан қўйнинг) елинини силадилар ва Мавлоси, Валийси бўлган зотдан (барака тилаб) дуо қилдилар.(Қўйнинг) елини сутга тўлди. Соғиб олдилар. Қабиладагиларни тўйгунча сероб қилдилар.

ثُمَّ حَلَبَ وَمَلَأَ الْإِنَاءَ وَغَادَرَهُ لَدَيْهَا آيَةً جَلِيَّةً فَجَاءَ أَبُو مَعْبَدٍ وَرَأَى اللَّبَنَ فَذَهَبَ بِهِ الْعَجَبُ إِلَى أَقْصَاهُ

(Яна) соғиб идишларни тўлдирдилар. Отика ҳузурида очиқ- ойдин мўжизалар қолдирдилар. Абу Маъбад келди. Сутни кўриб ҳайратдан ёқа тишлади.

وَقَالَ أَنَّى لَكِ هَذَا وَلَا حَلُوبَ بِالْبَيْتِ تَبِضُّ بِقَطْرَةٍ لَبَنِيَّةٍ فَقَالَتْ مَرَّ بِنَا رَجُلٌ مُبَارَكٌ كَذَا وَكَذَا جُثْمَانُهُ وَمَعْنَاهُ فَقَالَ هَذَا صَاحِبُ قُرَيْشٍ وَأَقْسَمَ بِكُلِّ إِلَهِيَّةٍ أَنَّهُ لَوْ رَآهُ لَآمَنَ بِهِ وَاتَّبَعَهُ وَدَانَاهُ

-Булар қаердан келди? (Ахир) уйда бир томчи (ҳам) сут берадиган соғин қўй йўқ эди-ку? Фалон-фалон сифатли бир муборак киши ўтувди... (Ҳа, ҳа) бу қурайшларнинг соҳиби! Агар уни кўрганимдами, иймон келтириб, эргашиб унга яқин бўлардим дея олиҳаларига қасам ичди.

وَقَدِمَ الْمَدِينَةَ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ ثَانِي عَشَرَ رَبِيعِ الْأَوَّلِ وَأَشْرَقَتْ بِهِ أَرْجَاؤُهَا الزَّكِيَّةُ وَتَلَقَّاهُ الْأَنْصَارُ وَنَزَلَ بِقُبَاءٍ وَأَسَّسَ مَسْجِدَهَا عَلَى تَقْوَاهُ

"Ўн иккинчи робиъул аввал, душанба куни Мадинага етиб келдилар. (Бутун) шаҳар Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васаллам қудумларидан яхшилик, барака нурига ноил бўлди. Ансорлар кутиб олдилар. (Мадина

яқинидаги  икки мил  бир соатлик йўл) Қубо (қишлоғига) тушдилар.У ерда тақво асосига қурилган масжид қурдилар.

Шарҳ: Мадина олдин Амолиқлик Ясриб исмли киши номига берилган. Ислом келгандан сўнг, Пайғамбаримиз унда истиқомат қилганларида Ясриб (тасриб) лафзида “ёмонлик” маъноси бўлгани учун “Тойба”-яхшилик дея ўзгартиб қўйдилар.

اللَّهُمَّ عَطِّرِ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи  васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Ў Н  Т Ў Қ Қ  И З И Н Ч И  А Т Р

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ ЖИСМИ ШАРИФЛАРИ

وَكَانَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْمَلَ النَّاسِ خَلْقًا وَخُلُقًا ذَا ذَاتٍ وَصِفَاتٍ سَنِيَّةٍ مَرْبُوعَ الْقَامَةِ أَبْيَضَ اللَّوْنِ مُشْرَبًا بِحُمْرَةٍ وَاسِعَ الْعَيْنَيْنِ أَكْحَلَهُمَا أَهْدَبَ الْأَشْفَارِ قَدْ مُنِحَ الزَّجَجَ حَاجِبَاهُ مُفَلَّجَ الْأَسْنَانِ وَاسِعَ الْفَمِ حَسَنَهُ وَاسِعَ الْجَبِينِ ذَا جَبْهَةٍ هِلَالِيَّةٍ سَهْلَ الْخَدَّيْنِ يُرَى فِي أَنْفِهِ بَعْضُ احْدِيدَابٍ

Пайғамбаримиз  соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларнинг ичида кўриниши, хулқ- атвори юксак, энг мукаммал сифатлар ва зот соҳиби эдилар. Ўрта бўйли, ранглари оқ, буғдойранг, икки кўзига кўҳл (сурма) қўйилган, кўзлари катта, киприклари узун; озгина қайрилган, қошлари камонсимон, тишларининг оралари очиқ (алоҳида- алоҳида) кўринар, чиройли оғизлари кенг, мунаввар ой каби чиққан пешонали, яноқлари кўримли, бурунлари бир оз баланд (қиррали) яққол  кўриниб турарди.

حَسَنَ الْعِرْنِينِ أَقْنَاه بَعِيْدَ مَا بَيْنَ الْمَنْكِبَيْنِ سَبْطَ الْكَفَّيْنِ ضَخْمَ الْكَرَادِيْسِ قَلِيْلَ لَحْمِ الْعَقِبِ كَثَّ اللِّحْيَةِ عَظِيْمَ الرَّأْسِ شَعْرُهُ إِلَي الشَّحْمَةِ الْأُذُنِيَّةِ

Бурунларининг ўртаси озгина кўтарилган, чиройли; икки елкалари ораси кенг, кафтлари (маънан ва ҳиссан) кенг, бўғимлари гўштли, товон гўшти оз, соқоллари қалин, бошлари катта, сочи қулоқ юмшоғига (тушар) эди.

وَبَيْنَ كَتِفَيْهِ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ خَاتَمُ النُّبُوَّةِ قَدْ عَمَّهُ النُّوْرُ وَعَلَاه

Елкалари орасида нубувват муҳри бор эди. Уни нур чулғаб, олий бўлганди.

وَعَرَقُهُ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ كَاللُّؤْلُؤِ وَعَرْفُهُ أَطْيَبُ مِنَ النَّفَحَاتِ الْمِسْكِيَّةِ وَيَتَكَفَّأُ فِي مِشْيَتِهِ كَأَنَّمَا يَنْحَطُّ مِنْ صَبَبٍ ارْتَقَاه

(Муборак) терлари оппоқ дур каби мусаффо эди. Ҳиди мушк- анбар ҳидидан ҳам ҳушбўй эди.Тепаликдан пастга тушаётгандай юришда олдинга мойил бўлиб юрардилар.

وَكَانَ صَلَّي اللهُ عَلَيهِ وَسَلَّمَ يُصَافِحُ الْمُصَافِحَ بِيَدِهِ الشَّرِيْفَةِ فَيَجِدُ مِنْهْا سَائِرَ الْيَوْمِ رَائِحَةً عَبْهَرِيَّةً وَيَضَعُهَا عَلَي رَأْسِ الصَّبِيِّ فَيُعْرَفُ مَسُّهُ لَهُ مِنْ بَيْنِ الصِّبْيَةِ وَيُدْرَاه

Муборак қўллари ила кўришган киши кун бўйи ҳушбўй наргиз, ясмин (гуллари) мисол ҳушбўй ҳид топарди. Қўлларини ёш болаларнинг бошига қўйиб силар эдилар. Натижада болалар орасида (ширин ҳид таратаётганли учун) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушлаганлиги (яққол) билиниб турарди.

يَتَلَأْلَؤُ وَجْهُهُ الشَّرِيْفُ تَلَأْلُؤَ الْقَمَرِ فِي اللَّيْلَةِ الْبَدْرِيَّةِ يَقُوْلُ نَاعِتُهُ لَمْ أَرَ قَبْلَهُ وَلَا بَعْدَهُ مِثْلَهُ وَلَا بَشَرٌ يَرَاه

Муборак юзлари, бадр кечаси ой жилва сочгандек, нур таратар эди. Пайғамбаримизнинг васф қилувчи узотга ўхшашини олдин ҳам, кейин ҳам кўрмадим, кўрган киши ҳам йўқ бўлса керак деб айтарди.

Шу ва бошқа китобда закр қилинмаган сифатларнинг қисқача тафсилоти:

1. Бошлари катта, юзлари думалоқроқ, кўзлари қора эди.

2. Киприклари узун. Тана аъзолари бир-бирига мутаносиб, хушбичим эди.

3. Сийнасидан киндиккача узун ва ингичка мўй тушган эди.

4. Баданлари туксиз.

5. Бирор тарафга бурилсалар, гавдалари билан бурилар эдилар.

6. Қошлари қўшилмаган, эгик эди.

7. Тишлари майда, ялтироқ, олдинги тишлари бир-биридан алоҳида кўринар эди.

8. Қорин ва сийналари текис ҳамда баробар.

9. Икки елкалари ўртасида пайғамбарлик муҳри бор. Бу муҳр кабутар тухумидек келадиган қизғиш гўшт, усти тук эди.

10. Юришлари тез эди.

11. Барчадан илгари салом берардилар.

12. Сочлари икки қулоқ ярмига тушарди. Ҳаж ва умрада олдирганлар.

13. Сочларини тарар, бўяр ва баъзида фарқ очардилар.

14. Ўнгдан бошлашни суярдилар. Сочга ёғ суртардилар.

15. Кўзларига ҳар кеча сурма қўярдилар.

16. Кийимни йиртилгунча кияр эдилар.

17. Узуклари кумушдан бўлиб, ўнг қўлга таққанлар.

18. Салла ўрардилар (7-12 газ).

19. Таомни суяниб емасдилар. Таомни айбламас, ёқса ер, ёқмаса тарк этар эдилар.

20. Таомдан сўнг бармоқларини уч бор ялар эдилар.

21. Хонтахта устида овқатланмас эдилар.

22. Таомлари товуқ гўшти, қўй гўшти, тўрғай гўшти, сирка, зайтун ёғи, арпа нони, нон тўғралган шўрва (сарид), хурмо, талқон эди. Ширин ва совуқ ичимликни, сутни, замзамни суярдилар.

23. Пиёлалари ёғочдан бўлган эди.

24. Бодрингни ва қовунни (янги) хурмо билан қўшиб ер эдилар.

25.Сув ичганларида уч бор тўхтаб-тўхтаб, нафас олиб ичардилар.

26. Бирор нарсага ишора қилсалар, бутун кафтлари билан ишора қилар эдилар.

27. Шеър ўқир ва эшитар эдилар. (Шоирлари: Ҳасан ибн Собит).

28. Аввал икки ракат енгил намоз ўқиб, сўнгра таҳажжудга киришардилар.

29. Қироатни ҳарф-ҳарф, очиқ ва равшан, ҳар бир оятни алоҳида ўқир эдилар.

30. Қуръонни ўзгадан эшитишни суяр эдилар.

31. Тўшаклари теридан, ичига хурмо дарахти пўстлоғи солинган эди.

32. Қаерга борсалар, бўш ўринга ўтирардилар.

33. Уйдаги вақтлари учга бўлинарди: 1. Ибодат; 2. Уй ишлари; 3. Шахсий ишлар.

34. Ҳар бир ишнинг тадбирини аввалдан қилар эдилар.

35. Сариқ либосни суймас эдилар.

36. Ҳеч кимни урмаганлар.

37. Ўзлари дарвешона ҳаёт кечирсалар-да, эҳсонлари зиёда эди.

38. Ҳадя олиб, мукофот берардилар. Ҳадяларни келган куниёқ, муҳтожларга тарқатар эдилар.

39. Узоқдаги товушларни ҳам эшитар, ҳеч ким кўра олмайдиган масофани бемалол кўрар, қоронғуда ҳам кундузгидек бемалол кўраверар эдилар.

40. Лўнда, қисқа, аниқ, такаллуфдан ҳоли ва айни пайтда фасоҳат билан гапирар эдилар.

41. Ҳар кимнинг ақлига мослаб сўзлар эдилар.

42. Кулишлари табассум эди.

43. Дастлаб кўрган одамни ҳайбатлари босар, муомала қилиб таниганидан сўнг, ҳамма у зотни яхши кўриб қолар эди.

44. Бир марта ҳаж, тўрт марта умра қилганлар.

45. Кам овқат ер, кам ухлар эдилар.

46. Ўзлари учун интиқом олмасдилар.

عَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيْمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## Й И Г И Р М А Н Ч И  А Т Р

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҲАЁТЛАРИДАН БИР ШИНГИЛ

وَكَانَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ شَدِيْدَ الْحَيَاءِ وَالتَّوَاضُعِ يَخْصِفُ نَعْلَهُ وَيَرْقَعُ ثَوْبَهُ وَيَحْلُبُ شَاتَهُ وَيَسِيْرُ فِيْ خِدْمَةِ أَهْلِهِ بِسِيْرَةٍ سَرِيَّةٍ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўта ҳаёли ва ўта тавозели эдилар. Кавушларини (ўзлари) ямар, кийимларини (йиртилса) тикар, қўй (ва туяларни) соғар ва аҳли аёллари юмушларига чиройли ҳолатда ёрдамлашар эдилар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَشَدَّ حَيَاءً مِنْ الْعَذْرَاءِ فِي خِدْرِهَا فَإِذَا رَأَى شَيْئًا يَكْرَهُهُ عَرَفْنَاهُ فِي وَجْهِهِ رَوَاهُ الشَّيْخَانِ

Абу Саъийд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чимилдиқдаги қизданда кўра ҳаёли эдилар. Агар кариҳ кўрадиган нарсани кўрсалар юзидан билиб олар эдик”, деди.

عَنِ الْأَسْوَدِ قَالَ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ مَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي أَهْلِهِ قَالَتْ: كَانَ فِي مِهْنَةِ أَهْلِهِ فَإِذَا حَضَرَتِ الصَّلَاةُ قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Оишадан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳлига қиладиган нарсасидан сўрадим”.“У зот аҳлини меҳнатида эдилар. Қачон намоз вақти бўлса намоз- га турар эдилар”. Бухорий ривояти.

عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ " قُلْتُ لِعَائِشَةَ مَا كَانَ رَسُول اللَّه صَلَّى اللَّه عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي بَيْته ؟ قَالَتْ: يَخِيطُ ثَوْبَهُ، وَيَخْصِفُ نَعْلَهُ، وَيَعْمَلُ مَا يَعْمَلُ الرِّجَالُ فِي بُيُوتِهِمْ" رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ سَعْدٍ وَابْنُ حِبَّانَ وَفِي رِوَايَةٍ لِابْنِ حِبَّانَ " مَا يَعْمَلُ أَحَدُكُمْ فِي بَيْتِهِ " وَلَهُ وَلِأَحْمَدَ عَنْ عُرْوَةَ عَنْ عَائِشَةَ " يَخْصِفُ نَعْلَهُ، وَيَخِيطُ ثَوْبَهُ ، وَيَرْقَعُ دَلْوَهُ " وَرَوَى التِّرْمِذِيُّ فِي الشَّمَائِلِ عَنْ عَمْرَةَ عَنْ عَائِشَةَ بِلَفْظِ " مَا كَانَ إِلَّا بَشَرًا مِنَ الْبَشَرِ، كَانَ يُفَلِّي ثَوْبَهُ، وَيَحْلُبُ شَاتَهُ، وَيَخْدُمُ نَفْسَهُ"

Ҳишом ибн Урва у отасидан ривоят қиладилар: “Оишага Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйида нима қилади деган эдим: “Кийимини тикар эдилар, кавушларини ямар, кишилар уйида қиладиган ишларни қилар эдилар.”, деди. Аҳмад, Ибн Саъд ва Ибн Ҳиббон ривоят қилганлар. Унинг ривоятида: “Бирингиз уйида қиладиган ишларни қилар эдилар”, дейилган. Ибн Ҳиббон ва Аҳмадларнинг Урва у Оиша розияллоҳу анҳодан қилган ривоятида: “Кавушларини ямар, кийимини тикар ва челакларини таъмирлар эдилар”, дейилган. “Шамоилда” Термизий Амродан у Оишадан қилган ривоятида: “У зот ҳам башар эди. Кийимларини майда ҳашоратлар қолдиғидан тозалар, қўйларини соғар ва ўзига ўзи хизмат қилар эдилар”, лафзи келган.

وَيُحِبُّ الْفُقَرَاءَ وَالْمَسَاكِينَ وَيَجْلِسُ مَعَهُمْ وَيَعُودُ مَرْضَاهُمْ وَيُشَيِّعُ جَنَائِزَهُمْ

Мискин ва камбағалларни яхши кўрар, улар билан (бирга) ўтирар эдилар. Касалларини зиёрат қилар (вафот бўлганларини эса), жанозаларига қатнашар эдилар.

وَ لاَ يَحْقِرُ فَقِيْرًا أَدْقَعَهُ الْفَقْرُ وَ أَشْوَاهُ وَ يَقْبَلُ الْمَعْذِرَةَ وَ لاَ يُقَابِلُ أَحَدًا بِمَا يَكْرَهُ

Камбағаллик заифлаштириб,мушкул аҳволга тушиб қолган фақир (кимаса)ларга паст назарда қарамас эдилар.Узрни қабул қилар эдилар. Ҳеч бир кишига ёмон кўрадиган нарсалари билан йўлиқмас эдилар.

وَيَمْشِيْ مَعَ الْأَرْمَلَةِ وَذَوِي الْعُبُدِيَّةِ وَلاَ يَهَابُ الْمُلُوْكَ وَيَغْضَبُ لِلّهِ تَعَالَى وَ يَرْضَى لِرِضَاه

Қул ва тул хотинлар ( ишларини раво қилиб) юрардилар. Султонлардан ҳайиқмас эдилар. Ризоси ҳам, ғазаби ҳам Аллоҳ учун бўларди.

وَيَمْشِيْ خَلْفَ أَصْحَابِهِ وَيَقُوْلُ: خَلُّوْا ظَهْرِيْ لِلْمَلاَئِكَةِ الرُّوْحَانِيَّةِ

Ортимни руҳоний фаришталарга бўшатиб қўйинглар, деярдилар.

وَيَرْكَبُ الْبَعِيْرَ وَالْفَرَسَ وَالْبَغْلَةَ وَحِمَارًا بَعْضُ الْمُلُوْكِ إِلَيْهِ أَهْدَاه

(Базида) туя, от, ҳачир, ҳамда подшоҳлардан бири (Муқовқис) ҳадя қилган эшакни миниб юрардилар.

وَيَعْصِبُ عَلَى بَطْنِهِ الْحَجَرَ مِنَ الْجُوْعِ وَقَدْ أُوْتِيَ مَفَاتِيْحَ الْخَزَائِنِ الْأَرْضِيَّةِ وَرَاوَدَتْهُ الْجِبَالُ بِأَنْ تَكُوْنَ لَهُ ذَهَبًا فَأَبَاه

Ер хазиналарининг калитлари берилган бўла туриб, очликдан қоринларига тош боғлаб юрардилар. Тоғлар тиллога айланишни истаганларида, бош тортдилар.

Шарҳ: Тош боғлаш ҳақида келган ривоятлар синчиклаб ўрганил- ганда, қуйидаги фойда ва ҳикматлар зоҳир бўлди. Қоринда егулик борлигини билдириш. Инсон оч қолганда ошқозон овқат ва сув ишқида ёнади.Тош эса ўзининг мўътадил ҳарорати ила ошқозондаги иссиқликни

пасайтиради.Инсон қаттиқ очликдан эгилиб, букчайиб қолади. Қоринга тош боғ- лаш қоматнинг тик бўлишига ёрдам беради. Валлоҳу аълам.

وَكَانَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقِلُّ اللَّغْوَ وَيُكْثِرُ الذِّكْرَ وَيَبْدَأُ مَنْ لَقِيَهُ بِالسَّلَامِ وَيُطِيلُ الصَّلَوةَ وَيَقْصُرُ الْخُطَبَ الْجُمُعِيَّةَ

Лағв(дунё гапи)ни оз сўзлар,йўлиққан кишига биринчи бўлиб салом берардилар. Намозни узун, жумъа хутбасини қисқа қилар эдилар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى يَقُولُ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - :" يُكْثِرُ الذِّكْرَ وَيُقِلُّ اللَّغْوَ وَيُطِيلُ الصَّلَاةَ وَيُقَصِّرُ الْخُطْبَةَ وَلَا يَأْنَفُ أَنْ يَمْشِيَ مَعَ الْأَرْمَلَةِ وَالْمِسْكِينِ فَيَقْضِيَ لَهُ الْحَاجَةَ" رَوَاهُ النَّسَائِيُّ، وَالدَّارِمِيُّ، وَالْحَاكِمُ، وَالْبَيْهَقِيُّ

Абдуллоҳ ибн Абу Авфодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “зикрни кўп айтар, лағуни килмас, намозни узун, жумъа хутбаларини эса қисқа қилар, бева ва мискинлар билан юриб, уларнинг ҳожатларини раво қилишдан уялмас эдилар.”, - деб айтарди. Насаий, Дорамий, ал-Ҳоким ва Байҳақийлар ривояти

وَيَتَأَلَّفُ أَهْلَ الشَّرَفِ وَيُكْرِمُ أَهْلَ الْفَضْلِ

Шарафли кишиларни дўст тутар, аҳли фазлларни ҳурмат қилар эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - أَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: "الْمُؤْمِنُ مُؤْلَفٌ وَلَا خَيْرَ فِيمَنْ لَا يَأْلَفُ وَلَا يُؤْلَفُ" رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَزَّارُ وَرِجَالُ أَحْمَدَ رِجَالُ الصَّحِيحِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Мўмин киши дўст тутинади. Дўст тутмайдиган ва дўст тутин- майдиган кишида яхшилик йўқ”,-дедилар”.Аҳмад ва Баззор ривояти. Аҳмаднинг кишилари саҳиҳнинг кишилари.

وَيَجْزِمُ وَلَا يَقُولُ إِلَّا الْحَقَّ يُحِبُّهُ اللهُ تَعَالَى وَيَرْضَاهُ

Аллоҳ суядиган, рози бўладиган ҳақ (рост) гапларни айтиб ҳазил қилардилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّكَ تُدَاعِبُنَا؟ قَالَ: "إِنِّي لَا أَقُولُ إِلَّا حَقًّا" رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Саҳобалар, ё Расулаллоҳ, сиз бизга ҳазил-мутойиба қиласиз?”, дейишди. “Албатта, мен ҳақни гапираман”, дедилар". Бухорий “Адаб”да, Термизий, Аҳмад ва Байҳақийлар ривоят қилган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِيَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "يَا ذَا الْأُذُنَيْنِ" رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Менга “эй, қулоғи иккита”, дедилар”. Термизий ривоят қилган.

وَهَا هُنَا وَقَفَ بِنَا جَوَادُ الْمَقَالِ عَنِ الطِّرَادِ فِي الْحَلْبَةِ الْبَيَانِيَّةِ وَبَلَغَ ضَاعِنُ الْإِمْلَاءِ فِي فَدَافِدِ الْإِيضَاحِ مُنْتَهَاهُ

Мана шу жойга етганимизда, учқур отлар (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида битилган балоғатли ) иборалар мусобақасидан тўхтади. Изоҳ саҳросида имлоларни сайр қилдирувчи ўз (манзили) интиҳосига етди.

Шарҳ: Бу ерда мусанниф раҳматуллоҳи алайҳ мавлид қасидасини аввалидан охиригача қофиялар билан ёзиб, кўзлаган мақсадига етганларини баён қилмоқдалар. Валлоҳу аълам.

وَعَطِّرِ اللَّهُمَّ قَبْرَهُ الْكَرِيمَ بِعَرْفٍ شَذِيٍّ مِنْ صَلَاةٍ وَتَسْلِيمٍ اَللَّهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ وَبَارِكْ عَلَيْهِ

Эй Аллоҳим?! Ўзинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал -ламнинг қабри шарифларини ҳушбўй, ўта ёқимли салоту салом ҳидлари ила муаттар айла!

## МАВЛИДИ ШАРИФ ДУОСИ

اَللّٰهُمَّ يَا بَاسِطَ الْيَدَيْنِ بِالْعَطِيَّةِ يَا مَنْ إِذَا رُفِعَتْ إِلَيْهِ اَكُفُّ الْعَبْدِ كَفَاهُ

Эй, икки (ирода ва қудрат) қўлини ҳадялар билан кенг очувчи Аллоҳ! Эй, банданинг қўллари (дуога) кўтарилганда кифоя қиладиган Зот.

يَا مَنْ تَنَزَّهَ فِي ذَاتِهِ وَصِفَاتِهِ الْأَحَدِيَّةِ عَنْ اَنْ يَكُونَ لَهُ فِيهَا نَظَائِرُ وَأَشْبَاهُ وَيَا مَنْ تَفَرَّدَ بِالْبَقَاءِ وَالْقِدَمِ وَالْأَزَلِيَّةِ يَا مَنْ لَا يُرْجَى غَيْرُهُ وَلَا يُعَوَّلُ عَلَى سِوَاهُ

Эй, зоти ва сифатларида ягона, ўхшашидан пок бўлган зот! Эй, Қадим, Боқий ва Азал сифатлари билан ягона бўлган зот! Эй, Ўзингдан бошқасидан умид қилинмайдиган, (Сендан) ўзгага суянилмайдиган зот.

يَا مَنِ اسْتَنَدَ الْأَنَامُ إِلَى قُدْرَتِهِ الْقَيُّومِيَّةِ وَأَرْشَدَ بِفَضْلِهِ مَنِ اسْتَرْشَدَهُ وَاسْتَهْدَاهُ

Эй, мавжудотлар зотида қоим, қудратига суянадиган, тўғри йўл, ҳидоят сўраганларни Ўз фазли билан ҳидоятга бошловчи зот!

نَسْأَلُكَ اللّٰهُمَّ بِأَنْوَارِكَ الْقُدْسِيَّةِ الَّتِي أَزَاحَتْ مِنْ ظُلُمَاتِ الشَّكِّ دُجَاهُ

Сендан шак-шубҳа қоронғулигидан зулматни кетгазган пок нурларинг ила сўраймиз.

وَنَتَوَسَّلُ إِلَيْكَ بِشَرَفِ الذَّاتِ الْمُحَمَّدِيَّةِ وَمَنْ هُوَ آخِرُ الْأَنْبِيَاءِ بِصُورَتِهِ وَأَوَّلُهُمْ بِمَعْنَاهُ

Сенга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зоти шарифлари ила васила қиламиз. У Зот суратда (жисмда) пайғам- барларнинг охири, маънода (ҳақиқатда) эса уларнинг аввали эдилар.

وَبِآلِهِ كَوَاكِبِ أَمْنِ الْبَرِيَّةِ وَسَفِينَةِ السَّلَامَةِ وَالنَّجَاةِ وَبِأَصْحَابِهِ أُولِي الْهِدَايَةِ وَالْأَفْضَلِيَّةِ الَّذِينَ بَذَلُوا نُفُوسَهُمْ لِلَّهِ يَبْتَغُونَ الْفَضْلَ مِنَ اللهِ

Борлиқнинг омонлик юлдузлари, саломатлик ва нажот кемаси бўлган аҳли байтлари, афзаллик ва ҳидоятли, ўзларининг (бор будини) Аллоҳдан фазл сўраб, Унинг йўлида ўз (куч-ғайратини) сарфлаган саҳобалари,

وَبِحَمَلَةِ شَرِيعَتِهِ أُولِي الْمَنَاقِبِ وَالْخُصُوصِيَّةِ الَّذِينَ اسْتَبْشَرُوا بِنِعْمَةٍ وَفَضْلٍ مِنَ اللهِ

Аллоҳдан фазл ва анвои неъматлар ила башорат шодлини туйган, ўзига хос гўзал сифатлар соҳиблари, шариат олимлари ҳурматларидан,

أَنْ تُوَفِّقَنَا يَا مَوْلَانَا فِي الْأَقْوَالِ وَالْأَعْمَالِ لِإِخْلَاصِ النِّيَّةِ وَتُنْجِحَ لِكُلٍّ مِنَ الْحَاضِرِينَ وَالْغَائِبِينَ وَالسَّامِعِينَ مَطْلَبَهُ وَمُنَاهُ وَتُخَلِّصَنَا مِنْ أَسْرِ الشَّهَوَاتِ وَالْأَدْوَاءِ الْقَلْبِيَّةِ وَتُحَقِّقَ لَنَا مِنَ الْآمَالِ مَا بِكَ ظَنَنَّاهُ وَتَكْفِيَنَا شَرَّ كُلِّ مُدْلَهِمَّةٍ وَبَلِيَّةٍ

Сўзда ва амалда холис ниятли бўлишга муваффақ айлашини, (бу мавлиди шарифга) хозир бўлганларни истак- мақсадларини раво қилишини, шаҳват кишанидан, (кибр, риё, ҳасад каби) қалб касалликларидан халос қилишини, ўйлаб юрган орзуларини рўёбга чиқаришини, катта-ю (кичик) мусибатлару, балоларга (Ўзинг) кифоя қилилишингни,

وَلَا تَجْعَلَنَا مِمَّنْ أَهْوَاهُ هَوَاهُ وَتُدْنِيَ لَنَا مِنْ حُسْنِ الْيَقِينِ قُطُوفًا دَانِيَةً جَنِيَّةً وَتَمْحُوَ عَنَّا كُلَّ ذَنْبٍ جَنَيْنَاهُ

Ҳавосига бўйин экканлардан қилиб қўймаслигингни, янги узилган (узувчига) яқин узум шингилидек (Ўзингга) яқин қиладиган (амалларга) ёндаштиришингни, қилган ҳар бир гуноҳларимизни (фариштлар китобидан) авф қилишингни, раҳмат, мағфират ила мунаввар,

وَتَعُمَّ جَمْعَنَا هَذَا مِنْ خَزَائِنِ مِنَحِكَ السَّنِيَّةِ بِرَحْمَةٍ وَمَغْفِرَةٍ وَتُدِيمَ عَمَّنْ سِوَاكَ غِنَاهُ

Олийқадр ҳадяларингдан бу жамоатнинг (ҳаммасига) насиб этишингни, доимо Ўзингдан бошқага муҳтож қилмаслигингни сўраймиз.

اللَّهُمَّ إِنَّكَ جَعَلْتَ لِكُلِّ سَائِلٍ مَقَامًا وَمَزِيَّةً وَلِكُلِّ رَاجٍ مَا أَمَّلَهُ فِيكَ وَرَجَاهُ وَقَدْ سَأَلْنَاكَ يَا مَوْلَانَا رَاجِينَ مَوَاهِبَكَ اللَّدُنِّيَّةَ وَحَقِّقْ لَنَا مَا مِنْكَ رَجَوْنَاهُ

Эй Аллоҳим, Сен ҳар бир сўрагувчига (улуғ) мақом ва фазилат, Сенга орзу-истак боғлаганларни ҳар бирига (сўраганларини ато) қилдинг.Эй Мавломиз, ҳузурингдаги ҳадяларингдан умид қилганча Ўзингдан сўрадик. Сендан орзу қилган нарсаларимизни рўёбга чиқаргин.

اللَّهُمَّ آمِنِ الرَّوْعَاتِ وَأَصْلِحِ الرُّعَاةَ وَالرَّعِيَّةَ وَأَعْظِمِ الْأَجْرَ لِمَنْ جَعَلَ هَذَا الْخَيْرَ فِي هَذَا الْيَوْمِ الْمُبَارَكِ وَأَجْرَاهُ

Эй, Аллоҳим! (Бизларни) хавф-хатар, қўрқинчлардан омонда қилгин. Халқни ва бошлиқларни Ўзингислоҳ қил. Бу (муборак) кунда шундай яхшиликни қилган (киши)ларга ажру савобларни зиёда қил.

اَللَّهُمَّ اجْعَلْ هَذِهِ الْبَلْدَةَ وَسَائِرَ بِلَادِ الْإِسْلَامِ آمِنَةً رَخِيَّةً وَاسْقِنَا غَيْثًا يَعُمُّ انْسِيَابُ سَيْبِهِ السَّبْسَبَ وَرُبَاهُ

Аллохим! (Мадина) шаҳри ва бошқа мусулмонлар (истиқомат қиладиган) шаҳар (қишлоқ)ларни тинчлик омонликда, кенгчиликда (бардавом) қилгин.Чўл-биёбонларга фойдали, баракотлар ёмғирини ёғдир.

وَاغْفِرْ لِنَاسِجِ هَذِهِ الْبُرُدِ الْمُحَبَّرَةِ الْمَوْلِدِيَّةِ سَيِّدِنَا جَعْفَرٍ مَنْ إِلَى الْبَرْزَنْجِيِّ نِسْبَتُهُ وَمُنْتَمَاهُ وَحَقِّقْ لَهُ الْفَوْزَ بِقُرْبِكَ وَالرَّجَاءَ وَالْأُمْنِيَّةَ وَاجْعَلْ مَعَ الْمُقَرَّبِينَ مَقِيلَهُ وَسُكْنَاهُ

(Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам) мавлидлари ҳақида (битилган) чиройли, гўзал жумлаларнинг муаллифи (туғилиб) ўсган жойи Барзанж (шаҳри)га нисбат бериладиган Жаъфар раҳматуллоҳи алайҳнинг гуноҳларини мағфират қилгин. Ўзингга яқин (муқарраб бандалардан айлаб) орзу- умидларини рўёбга чиқар. Масканини Ўзингга яқин зотлар ила айла.

وَاسْتُرْ لَهُ عَيْبَهُ وَعَجْزَهُ وَحَصْرَهُ وَعِيَّهُ وَكَاتِبِهَا وَقَارِئِهَا وَمَنْ أَصَاخَ إِلَيْهَا سَمْعَهُ وَأَصْغَاه

Бу (мавлид)ни ёзганларни, ўқигувчиларни ва унга (муҳаббат ила) қулоқ солганларни айбу нуқсонларини (айблар очиладиган кунда) ёпгин.

اَللّٰهُمَّ وَصَلِّ وَسَلِّمْ عَلَي أَوَّلِ قَابِلٍ لِلتَّجَلِّي مِنَ الْحَقِيْقَةِ الْكُلِّيَّةِ وَعَلَي آلِهِ وَصَحْبِهِ وَمَنْ نَصَرَهُ وَوَالَاهَ

Барча ҳақиқатлар хабарини биринчи қабул қилувчи зот (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам)га, аҳли байтлари, саҳобалари, уларга ёрдам бериб, дўст тутганларга салоту саломлар ҳамда баракот ёғдир.

مَا شُنِّفَتِ الْآذَانُ مِنْ وَصْفِهِ الدُّرِّيِّ بِأَقْرَاطٍ جَوْهَرِيَّةٍ وَتَحَلَّتْ صُدُوْرُ الْمَحَافِلِ الْمُنِيْفَةِ بِعُقُوْدِ حُلَاهَ

Қулоқлар дур каби у зотнинг васфидан ёқуту гавҳар ила безалди. Ҳурматли жамоатнинг қалблари гўзал маржонлар билан зийнатланди.

وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ وَأَتَمُّ التَّسْلِيْمِ عَلَي سَيِّدِنَا وَمَوْلَانَا مُحَمَّدٍ خَاتِمِ الأَنْبِيَاءِ وَالْمُرْسَلِيْنَ وَعَلَي آلِهِ وَاَصْحَابِهِ اَجْمَعِيْنَ سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُوْنَ وَسَلَامٌ عَلَي الْمُرْسَلِيْنَ وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ

24/04/2011м.с, 20/05/1432 ҳ.с. Соат 17-$^{17}$ , Роббимизнинг инояти ила ўз интиҳосига етди.

**Хулоса:**

Мавлиди шариф китобини ўз она тилимизга таржима қилиш ва шарҳлаш мобайнида сийрат илмига доир илмларни имтиҳондан ўтказиб олдик. Билганларимизни такрорладик. Билмаганларимизни эса ўргандик. Бу билан сийратга оид илмлар тугади дегани эмас. Мухтасар сийрат китоби

бўлган мавлиди шариф катта-катта сийрат китобларига муқаддима, холос.

Абу Убайдуллоҳ

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Қурони карим.

2. “Тафсиру Жалолайн”. Жаллолиддин Маҳаллий. Жалолиддин ас Суютий. Дорул Ҳадис. Қоҳира.

3. Ибни Касир “Тафсиру ибн Касийр”. Дорул Фикр.

4. “Тафсири Ҳилол” Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тошкент 2008.

5. Жаъфар Барзанжий. “Иқдул жавҳар фи мавлидин набийил азҳар маат-таълиқ”. Қозон. 1899-йил 20-ноябрь.

6. “Қасидаи мавлидин набий лил Барзанжий”. Қозон.

7. Шайх Муҳаммад ибн Аҳмад Алийш ал-Моликий. “Ал-қовлувлул мунжий ала мавлидил Барзанжий”. Дорул кутубил аробий ал-кубро. Миср.

8. Жалолиддин Суютий. “Ал-Ҳавий лил фатаава фил фиқҳи ва улумит тафсири вал ҳадиси вал усули ван наҳви вал эъроби ва саирол фунун”. (Ҳиснул мақсид). Дорул кутубил илмийя. 2000-й 1-жуз.

9. “Умар Ризо Қаҳҳола”. Мўъжамул муаллифийн 3-жуз .

10. “Ҳажи Халифа Кашфуз зунун” Мустафо ибн Абдулло Қостантиний Дорул кутуб ал илмийя.

11. “Ал адаб ал муфрад”. Имом ал Буҳорий. Муҳаммад ибн Исмоил ал Буҳорий. Дорул башаир ал исломийя- Байрут. 1989 йил.

12. “Саҳиҳул Бухорий”. Имом ал Буҳорий. Муҳаммад ибн Исмоил ал Буҳорий. Дору ибни Касир- Байрут 1987 йил.

13. “Саҳиҳу Муслим” Дору Иҳё ат Тирос ал Аробий-Байрут.

14. Мулла Али ал-Қорий. «Шарҳуш шифа».

15. “Шамоили Муҳаммадийя” Муҳаммад ибн Исо ат Термизий” “Муассасатул кутуб ас сақофия -Байрут” ҳижрий 1412 йил.

16. Ибн Ҳишом.Ар ровзул унуф фий тафсирис сийратин набавий. Дорул маърифа Байрут Лубнон 1398ҳ.

17. “Ҳадис ва Ҳаёт” Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тошкент 2008.

18. “Зикр аҳлидан сўранг”. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф 3-сон.

19. Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Абдулқодир Розий. Мухторус сиҳоҳ. Мактабату Лубнон. Байрут. Маҳмуд Хотир таҳқиқи. 1995-1415 йил.

20. Муаллифлар гуруҳи. “Ан-наъим”. Арабча-ўзбекча луғат. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашрёти. Тошкент-2003.